



Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

VATANDOSH

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2011 йил, 1 сентябрь, 9-сон

ТАБРИКЛАР

Ўзбекистон ҳамда АҚШ расмийларининг «Ватандош» ўқувчилари учун байрам табриклари
4-бетда ўқинг.

ҚУТЛОВЛАР

Ўзбек халқи зиёлилари Сизни байрам билан қутлаб, «Ватандош» учун янги ижод намуналарини армуғон этадилар.
7-бетда ўқинг.



20 ЁШИНГ МУБОРАК, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Отам Акбар Хўжа шўролар ҳукумати томонидан 50 йил фарқи билан икки бор талон-тарож қилинганлар. Биринчиси 20–30-йилларда бўлса, иккинчиси 70-йилларнинг охирида. 1978 йили никоҳ тўйим муносабати билан, дадам Афғонистондан Америкага ташриф буюрдилар. Орадан бир неча кун ўтгач, шўролар армияси Кобулни эгаллагани ва барча молларимиз мусодара этилиб, талон-тарож қилингани тўғрисида хабар олдик. Бу воқеадан сўнг дадам ва онамни шу ерда олиб қолдик.

8-бетда:

ВАТАН УЧУН "ҚАЙТА ТУФИЛГАН" ОДАМ

Элчи Жорж Крол: Марказий Осиёнинг маркази сифатида Ўзбекистон ҳар доим ҳудуднинг хавфсизлик, маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаган.

Ўзбекистондан келадиган энергия Кобулдаги чироқларни ёритиб турибди ва Ўзбекистон Афғонистонда мамлакатни келажакдаги иқтисодий тараққиёти учун муҳим инфраструктура билан таъминловчи жуда ҳам керакли темирўл қуриб берди.

10-бетда:

ЎЗБЕКИСТОН АҚШНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИМИ?

Хатми Қуръонни 1968 йилдан бери ушбу жомеъда хизмат қилаётган уламо, масжид имом хатиби Мулла Собиржон қори Марғилоний табаррукан бошлаб бериб, Муҳаммад Тохир қори Марғилоний ва шогирдлари кунига 2 жузъдан, тажвид билан ўқиб беришди. 16-кечада Қуръони карим хатмонасига Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ташриф буюриб, хатми Қуръон сўнгида юртимиз ва халқимиз ҳаққига хайрли дуо қилдилар.

16-бетда:

МАРҒИЛОНДА 473 Ёшли МАСЖИД

КХАЙМАНС

Доставка товаров в Узбекистан

Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания



USA
3075 Brighton 14 street,
Apt.44b Brooklyn,
New York. 11235-5561
Tel: +13477223850
+14077220408

E-mail: info@khaymans.com
Web: www.khaymans.com



Ўзбекистон
3 ул. Муқимий,
Яккасарайский р-н,
Ташкент.
Тел: +99871 2806224
Моб: +99897 1113326

АРЕСТОВАНЫ?

ЗВОНИТЕ 24 ЧАСА, 7 ДНЕЙ В НЕДЕЛЮ 718-376-6466

LAW OFFICES OF BUKH & ASSOC., PLLC ATTORNEYS & COUNSELORS AT LAW

АРКАДИЙ БУХ

New York, New Jersey & Nevada License

- РАЗВОДЫ И СЕМЕЙНОЕ ПРАВО
- ИММИГРАЦИОННЫЕ УСЛУГИ

- ЗАЩИТА В ФЕДЕРАЛЬНОМ СУДЕ
- БЕСПЛАТНЫЕ КОНСУЛЬТАЦИИ

T: 718-376-6466 F: (718) 376-3033
1123 Ave Z Brooklyn, NY 11235
www.bukhlaw.com

ОДИН ИЗ НЕМНОГИХ АДВОКАТОВ, ПРЕДСТАВЛЕННЫХ
В ГАЗЕТАХ: NEW YORK TIMES, ASSOCIATED PRESS,
DAILY NEWS И НА ТЕЛЕКАНАЛАХ: CBS, REUTERS



Газетага сайтимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин: www.vatandosh.com/obuna

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕЗЮРАР
ПОЕЗД НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

30 август куни Ўзбекистонда Марказий Осиё минтақасининг энг тезюрар поезди ўзида биринчи йўловчиларни ташиди. Поезд пойтахт Тошкентни мамлакатнинг иккинчи энг катта шаҳри Самарқанд билан боғлайди.

Испаниянинг "Талго" компанияси томонидан бунёд этилган тезюрар поезд икки соату 10 дақиқа ичида 344 км.ли масофани 254 км/соат тезликда босиб ўтади. Ушбу поезд 2009 йили Испания ва Ўзбекистон ўртасида тузилган 54 млн. долларлик шартнома асосида шу йилнинг 22 июль куни Ўзбекистонга келтирилган эди. Ана шундай иккинчи тезюрар поезднинг кейинги ойда келиши кутилмоқда.

Тошкент ва Самарқанд ўртасидаги тезюрар поезд катнови сентябрь бошида йўлга қўйилади. Самарқанднинг қадимий "Афросиёб" номи билан аталган қатнов йўли шаҳарда туризм бизнесини янада ривожлантириши кутилмоқда.

Саккиз вагондан иборат поезддаги "ВИП" купеларда бир томон учун билет нархи \$46. Бу нархдаги хоналарда теридан қилинган катта ўтиргичлар бўлиб, йўловчиларга салқин ичимликлар, иссиқ овқат ҳамда ўзбек виноси ва коняги тортки қилинади.

Ўзбекистон Совет давридан қолган эски темир йўлларини янгилаш учун \$116.8 млн. сарфлаган. Осиё Тараққиёт Банки ёрдамида бундай тезюрар поезд қатновини Бухоро шаҳри учун ҳам ташкил этиш кўзланмоқда.

Расмийлар, дипломатлар ҳамда Самарқанддаги "Шарқ тароналари" фестивалига ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар поезд биринчи қатновининг илк йўловчилари бўлдилар.

"АҚШ дунёда энг биринчи темирйўл очган давлатлардан бири ҳисобланади. Лекин бизда ҳали ҳам тезюрар поезд йўқ", дейди поезд йўловчиларидан бири, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жорж Крол.

"РЕГИСТОН" ГУРУҲИ
НЬЮ-ЙОРКДА БАЙРАМ
КОНЦЕРТИНИ БЕРАДИ

Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йорк шаҳридаги Бош консулхонаси мамлакатимиз мустақиллигининг 20

йиллигига бағишлаб, 4 сентябрь куни соат 19.00 да катта байрам кечасини ўтказмоқда. Тадбирда Ўзбекистондан келган таниқли санъаткорлар – "Регистон" миллий гуруҳи аъзолари ҳамда қизиқчи Валижон Шамшиев ўзларининг янги дастурлари билан иштирок этади.



Кеча "Кинг Давид" ресторанида бўлиб ўтади. Манзил: 101-10 Queens Blvd, Forest Hills, NY 11375.

Чипталар нархи \$60. Иштирокчилар учун байрам дастурхони ёзилади. Қўшимча маълумот учун телефон: 917-955-5290.

Бруклиндан келувчилар учун бепул транспорт ташкил этилади. Автобус Бруклиндаги Brighton Beach Ave ҳамда Coney Island Ave кўчалари кесишган чорраҳадан 18.00 да жўнайди.

Байрам кечасининг асосий меҳмони – "Регистон" миллий гуруҳи. "Регистон" гуруҳи 2005 йилда Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори, моҳир мусиқачи Зулхорбек Турапов раҳбарлигида ташкил этилган. Гуруҳ Ўзбекистонда ва халқаро сахналарда ном қозонган бир қатор ўзбек мумтоз мусиқаси усталарини ўзида жамлаган.

"Регистон" гуруҳи бугунгача Япония, Белгия, Голландия, Австрия, Қозоғистон, Латвия, Литва, Хитой ва Миср каби хорижий ўлкаларда ўз санъатини намойиш этган. Гуруҳнинг асосий мақсади ўзбек миллий мусиқасини жаҳонга тарғиб этиш ва танитиш.

АБДУЛЛОҲ ХЎЖА ЭСДАЛИК
НИШОНИ БИЛАН
ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан хорижий давлатларнинг бир гуруҳ фуқароларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида кўра, Ўзбекистон билан икки томонлама ва кўп томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий, илмий-таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги

фаол ва самарали фаолияти учун "Туркистон-Америка уюшмаси" раиси, америкалик ватандошимиз Абдуллоҳ Хўжа "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланди.

Худди шундай эсдалик нишони америкаликлардан Америка-Ўзбекистон савдо палатаси раиси Керолин Лемм ва Ж. Хопкинс номли университет хузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси Фредерик Старрға ҳам тақдим этилди.

ОҒАБЕК СОБИРОВ
БРУКЛИНДА КОНЦЕРТ
БЕРМОҚЧИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров ҳамда эстрада хонандаси Анвар Собиров Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам концертини ўтказиш учун Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюрмоқда. Ушбу байрам тантанаси 4 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрининг Бруклин мавзесида ўтказилади.

Оғабек Собиров ҳамда Анвар Собиров, шунингдек, 10-сентябрь куни Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган катта гала концерт дастурида ҳам иштирок этади. Ушбу концертда Оғабек Собиров ва Анвар Собировдан ташқари эстрада юлдузлари Зода, Шаҳриёр, Ситора Аҳмедова, Наргис Ғоипова, Каромат От-ажонова, Сайфитдин Пазлидинов ва "Шарқ Гузаллари" рақс гуруҳи ҳам қатнашади.

Оғабек Собиров ва Анвар Собиров иштирокидаги концерт дастури қуйидаги манзилда ўтказилади:

2800 Ocean Parkway, Brooklyn, NY 11235.

Бир қатор ўзбекистонлик санъаткорлар иштирокида ўтказилиши мўлжалланган гала концерт манзили эса қуйидагича:

102-55 Queens Blvd, Forest Hills, NY 11375.

Ҳар икки концерт дастури Нью-Йоркдаги "UzTV New York" телеканали томонидан ташкил этилмоқда.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЛАН
ҲАМКОРЛИҚДА ЯНГИ
ЗАВОД ОЧИЛАДИ

Ўзбекистон ва Жанубий Корея Устюртдаги Сурғил конида газ-кимё заводи қурилиши учун 4,1 млрд. долларлик ке-

лишувни амалга оширдилар.

"The Korea Herald"нинг хабар қилишича, ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг учрашувларидан сўнг имзоланган.

Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида амалга оширилаётган энг йирик қўшма лойиҳа бўлиб, муҳандислик, ускуналар етказиб бериш, қурилиш ишларида Корея Республикасининг йирик компаниялари иштирок этади.

Устюрт газ-кимё мажмуаси ишга тушгач, йилига 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан Қорақалпоғистонда МДХда ушбу соҳадаги энг йирик мажмуа қад ростлайди. Натижада Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бирига айланади.

Сурғил кони 2006 йил март ойида очилган бўлиб, айна пайтда "Ўзбекнефтгаз" томонидан йилига 3 млрд. куб метр табиий газ қазиб олинмоқда. Ўзбекистон томонининг маълумотларига кўра, кон захираси 120 млрд. куб метрни ташкил этади.

ЎЗБЕК АВТОМОБИЛЛАРИ
РОССИЯДА ИККИНЧИ!

2011 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, "GM Uzbekistan" автомобиллари Россияга импорт қилинаётган автомобиллар орасида иккинчи ўринни эгаллади.

Россиянинг "Автостат" агентлиги хабарига кўра, 2011 йил январь-июнь ойларида 44100 дана ўзбек автомобили Россияга импорт қилинган. Бу ўтган йилнинг биринчи ярми йиллигига қараганда 1,5 баравар кўп демакдир.

"GM Uzbekistan" автомобилларини фақатгина Toyota компанияси ортда қолдирди, холос. Toyota Россияга 51300 дана автомобилни импорт қилган.

"GM Uzbekistan"дан кейинги ўринларни Nissan (42200 дана), Mitsubishi (33000 дана) ва Kia (27900 дана) автомобиллари эгаллаган.

2011 йилнинг биринчи ярмида Россияга 441400 дана автомобил олиб қилинган.

Шу йилнинг январь-июль ҳолатига кўра, Россиядаги энг кўп сотилаётган автомо-

Vol.9. Thursday,
September 1, 2011

Publisher:
Farhod Sulston

Executive Editor:
Davronbek Tojialiev

Deputy Editor:
Alisher Aymatli

Deputy Editor:
Toshpulat Rahmatullaev

News Editor:
Behzod Mamadiev

Managing Editors:
Tamara Nazarova
Ulugbek Qosimov

Advertising Manager:
Sodiq Fayzulla

Web Developers:
Shukhrat Pardaev
Shohruh Kenjaev

Editorial and Executive
office:

2705 Coney Island Ave.
Brooklyn, NY. 11235

Phone: 646.397.0325

Web: www.vatandosh.com

Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh Inc and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.

We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in *Vatandosh*.

Price: 50 cents
Circulation: 5000

Азиз ватандошлар!
"Ватандош" газетаси билан ҳамкорликда ишлайман, ўз маҳсулот ва хизматларимни ушбу нашрда тарғиб қиламан, бу янги нашрнинг оёққа туриб олишига ҳомийлик кўрсатаман, деганларга ҳеч қандай монелигимиз йўқ, эшигимиз Сиз азизлар учун ҳамиша очик!

бил маркалари ичида "Nexia" 9-ўринни, "Matiz" 16-ўринни эгаллаб турибди.

Россияда ҳар йили ўтказиладиган "Йил автомобили" танловида "Spark" 2011 йилнинг "Шаҳар автомобили" номинациясида ғолиб бўлган эди.

Эслатиб ўтамиз, "GM Uzbekistan" заводида йилига 250000 донга автомобил ишлаб чиқарилади.

20 ЙИЛЛИККА ЯНГИ 500 СЎМЛИК ТАНГАЛАР



2011 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Ватанимизнинг 20 йиллик тўйи муносабати билан 500 (беш юз) сўмлик юбилей тангаларини муомалага киритди.

"Olam.uz"нинг хабар беришича, тангалар оқ рангли пўлатда, никел қопламалidir.

Танганинг олд томонига (аверс) Тошкент шаҳри марказидаги "Халқаро симпозиумлар саройи" тасвири туширилган. Сарой тасвири остида "500 сўм" ёзуви жойлашган. Айлана бўйлаб "ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА 20 ЙИЛ" ёзуви мавжуд.

Танганинг орқа томони (реверс) марказига Ўзбекистон Республикаси герби тасвири туширилган. Айлана бўйлаб "ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ БАНКИ" ёзуви жойлаштирилган. Герб остида "2011" ёзуви туширилган. Герб бўйлаб 72 та қавариқ нуқта жойлашган.

Танганинг диаметри – 25, 0 мм, қалинлиги – 1, 6 мм, вазни – 6, 0 граммни ташкил этади.

Янги 500 сўмлик танга Республикамизнинг исталган ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз пул сифатида муомалага киритилиши қонун билан ҳимояланган.

РИШОД СОБИРОВ – ИККИНЧИ БОР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Ўзбекистонлик Ришод Собиров Франция пойтахти Париж шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди.

Дзюдо бўйича бу йилги жаҳон чемпионатида дунёнинг 900 нафарга яқин дзюдочи чемпионлик ва келаси йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш учун татамига чиқди.

Эркаклар ўртасида 60 килограмм вазн тоифасида Халқаро дзюдо федерацияси рейтингда пешқадамлик қилаётган ҳамюртимиз Ришод Собиров финалгача швейцариялик Людовик Чаммартин, Буркина-Фасолик Херманн Зунгрена, бразилиялик Фелипе Китадаи, озарбойжонлик Илғор Мушкиев ва Жанубий Корея вакили Жин Вон Кимни мағлубиятга учратди.

Ришод Собиров финалда япониялик Хироаки Хираокани мағлуб этиб, иккинчи бор жаҳон чемпиони бўлди ва келаси йили Лондон Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берадиган муҳим рейтинг очколарини ҳам қўлга киритди.

Ришод Собиров 1986 йили Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган. 11 ёшидан дзюдо билан шуғулланади. 2006 йили Хитой Тайпейида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган Ришод, 2008 йили XXIX ёзги олимпия ўйинларида Олимпия термамизга биринчи бронза медалини тақдим этган эди.

"GM"ДАН ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА



"General Motors" ва "Ўзавтосаноат" акционерлик компанияси 2012 йилда энгил автомобиллар учун трансмиссиялар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очишни режалаштирмоқда.

"Uzdaily.com"нинг хабар беришича, айна пайтда технологик ва молиявий масалалар кўриб чиқилмоқда.

Лойиҳа қиймати 310 миллион АҚШ доллари бўлиши кутулаётган бу корхона энгил автомобиллар учун йилига 250000 донга трансмиссия ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Лойиҳани ишга тушириш муддати 4 йилга мўлжалланган. Агар лойиҳа амалга оширилса, бу "GM" билан ҳамкорликда ташкил этилган учинчи қўшма корхона бўлади.

АМЕРИКА МУСУЛМОНЛАРИ ҲУКУМАТ СИЁСАТИДАН РОЗИ

АҚШда "Pew" тадқиқот

маркази ўтказган сўров натижасига кўра, америкалик мусулмонлар аксар америкаликларга қараганда мамлакатлари тўғри йўлдан кетаётганига ишонади.

Ушбу сўров Америкадаги мусулмон жамоалари диний экстремизмни қўллаб-қувватлайди, деган фикрлар асосиз эканини кўрсатган.

Янги сўров АҚШга қарши уюштирилган 11 сентябрь ҳужумларининг 10 йиллиги арафасида ўтказилган.

Мамлакатдаги аксар аҳоли Америка ҳукумати юритаётган сиёсатдан қониқмаслигини изҳор этаётган бир пайтда АҚШдаги сўровда 2 миллион 750 минг кишилик мусулмонларнинг 56 фоизи ҳозирги ҳукумат сиёсатидан рози эканликларини айтган.

Сўровда ҳар 10 мусулмоннинг етти нафари Президент Барак Обаманинг ҳукмронлигини ўзлари учун мақбул деб ҳисоблаган.



Сўровда иштирок этган беш америкалик мусулмоннинг тўрттаси ўзларининг ҳаётларида юз бераётган воқеалардан кўнгиллари тўлаётганини айтган ҳамда ўзлари яшаётган ҳудуддаги одамларнинг уларга муносабатини жуда ижобий, дея баҳолаган.

Қатнашганларнинг фақат 6 фоизи Америкадаги мусулмонлар жамоаси орасида исломий экстремизмни қўллаб-қувватлаш кучли, деб ҳисоблаган.

Американинг умумий аҳолиси ўртасида эса ҳар 10 кишидан 4 нафари Америка мусулмонлари экстремизмни қўллаб-қувватлайди, деб ишонилари аниқланган.

Бу йилги сўров натижалари 2007 йили ўтказилган айна шундай сўров натижалари билан унчалик фарқ қилмайди. 2007 йилда Америка мусулмонларининг чорак қисми АҚШнинг терроризмга қарши уруши чинакам, деб ишонган бўлса, бу йилги сўровда қатнашганларнинг 43 фоизи амалиётларни самимий деб билишларини айтган.

Америка мусулмонларининг террор ҳужумлари ва «Ал-Қоида»га нисбатан салбий муносабатлари ҳануз юқори. Савол-жавоб қилинганларнинг 81 фоизи Ислом дини номидан ўзини ўзи портлатиш ва тинч фуқароларга қарши бошқа зўравонликлар содир эти-

лишини ҳеч қачон оқлаб бўлмайди, деган бўлса, атиги бир фоизи кўпинча оқлаш мумкин, деб айтган.

ИРОҚ ВА АФҒОНИСТОН УРУШИГА 30 МЛРД. ДОЛЛАР САРФЛАНГАН



Америка Конгрессининг қўшма текширув ҳайъати томонидан эълон қилинган маълумотга кўра, АҚШ ҳукумати ўтган ўн йил ичида Афғонистон ва Ироқ урушига 30 млрд. доллар сарфлаган. АҚШнинг урушлар учун йирик миқдорда ажратадиган йиллик бюджети мамлакат миллий қарзининг ошиб кетишида асосий сабаб сифатида кўрилади.

Ҳисобот муаллифларининг ёзишича, харажатларнинг бу қадар ошиб кетишига беҳуда сарфлашлар, номақбул тузилган шартномалар ҳамда давлатдан шартнома олган компанияларнинг исрофгарчиликлари йўл қўйиши ва ҳатто қаллоблик қилиши сабаб бўлган.

Масалан, Америкадаги солиқ тўловчиларнинг 40 миллион доллар маблағи эвазига Ироқда қурила бошлаган қамқонхона ироқликлар керак эмас, дея рад этганлар ва эндиликда қурилиш ишлари бутунлай тўхтатилган.

Афғонистонда эса Кобул яқинидаги электр станциясини барпо этиш учун 300 миллион доллар сарфланган. Аммо бу иншоотни бошқаришга Афғонистон ҳукумати қодир эмас.

Афғон миллий хавфсизлик тизимини яратиш ҳаракатлари учун шу вақтгача 11 млрд. доллардан ортиқ маблағ сарфланган. Аммо бу борада ҳам сарфланган харажатлар кўзланган самарани бермаяпти.

Ҳисобот муаллифлари «Вашингтон Пост» газетасида ушбу ҳисоботдаги рақамларда доир ўз муносабатлари акс этган мақолани нашр этганлар.

Собиқ ҳукумат расмийлари ва ҳуқуқшунослардан иборат саккиз кишилик муаллифлар жамоаси бу маблағларнинг зое кетишида ҳукумат ва лойиҳаларни амалга оширган компанияларни айблаган.

Ҳисобот муаллифлари келгусида бу каби лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда пухта режа қилиниши ва беҳуда харажатларнинг олдини олиш лозимлиги ҳақида тавсиялар ҳам берган.

"АЙРИН" ТЎФОНИ 7 МЛРД. ДОЛЛАР ЗАРАР КЕЛТИРДИ



Август ойи охирида Шимолий Каролинадан тортиб Мейн штатигача АҚШ шарқий қирғоғи "Айрин" номли даҳшатли тўфонга юз тутди.

Тўфон дастлаб Шимолий Каролина қирғоқларига келиб урилган. 28 август куни Нью Жерси штатининг Литл Эг Инлет майдонига кириб келган. Нью Жерси штати ҳудуди 1903 йилдан бери ҳали бирор марта ҳам довулга юз тутмаган эди.

Бир неча штатларда, жумладан, Нью-Йорк штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Шанба куни Нью-Йорк шаҳар метрополитени тарихда учинчи бор ўз фаолиятини тўхтатди. Вермонт асрлар бўйи кўрилмаган сув тошқинидан жиддий зарар кўрди.

Дастлабки маълумотларга кўра, тўфонда жами 54 киши ҳалок бўлган ва АҚШ иқтисодига 7 млрд. доллар зарар келтирилган.

РОССИЯГА 250 ГРАММДАН ОРТИҚ "НОСВОЙ" ОЛИБ КИРИШ ТАҚИҚЛАНДИ



"Anons.uz" интернет нашрининг хабар беришича, хорижлик фуқароларининг Россияга кириб-чиқишини тартибга солиш бўйича қабул қилинган янги тартибга кўра, бундан буён Россияга 250 граммдан ортиқ "носвой" олиб кириш мумкин эмас. Қондани бузганлардан "носвой" тортиб олиниб йўқ қилинади ва тартибузарлар маъмурий жавобгарликка тортилади. "Носвой"ларга қарши бу чоранинг нима сабабдан қабул қилингани ҳақида изоҳ берилмаган.

Кузатувчиларнинг айтишича, бундай тартиб билан Россияда «носвой» чекувчилар сонини камайтиришга эришиш мумкин эмас. Уларнинг фикрича, энди Россиянинг ўзида «носвой» ишлаб чиқариш бизнеси кучайиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING НЬЮ-ЙОРК ШАҲРИДАГИ БОШ КОНСУЛХОНАСИ ТАБРИГИ

«Ватандош» газетасининг азиз ўқувчилари,

Барчангизни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

20 йил – тарихий нуқтаи назардан катта давр эмас. Аммо ушбу йиллар давомида Ўзбекистанда жамият тараққиётининг барча соҳаларида юксак ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистон иқтисодиёти ижтимоий йўналитрилган ва ҳар томонлама ривожланаётган суверен, демократик ва дунёвий давлат сифатида шаклланди. Энг муҳим эришувларимиз – бу мамлакатимиздаги тинч ва осойишта ҳаёт, юртимиздаги тўкин-сочинлик ва халқимизнинг эр-

танги кунга булган ишончидир. Ушбу қадриятлар нақадар муҳимлигини атрофимизда ва дунёда рўй бераётган воқеа-жараёнларни кўриб янада чуқур ҳис этамиз.

Мустақиллик йиллари давомида эришган барча ютуқларимиз, авваламбор, Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан олиб борилган ҳар томонлама ўйланган, вазмин ва изчил ички ва ташқи сиёсат маҳсулидир. Буни бугунги кунда бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Ўзбекистондаги улкан янгиланишлар асосида бунёдкор ўзбек халқининг фидокорона меҳнати, унинг жипслиги, ўз она-заминига бўлган самимий муҳаббати ҳамда халқимизнинг доимо озод, тинч ва

фаровон ҳаётга бўлган интилиши ётади.

Жаннатмакон Ўзбекистонимизни асраш ва янада ривожлантириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Буни Ватандан узоқда, мусофирчиликда яшаётган юртдошларимиз янада чуқур англашади.

Сизларни яна бир бор Ватанимизнинг ушбу катта байрами билан чин юракдан табриклайман.

Мустақил Ўзбекистон байроғи асрлар давоимда дунё узра баланд ҳилпирасин.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Дурбек ОМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Нью-Йоркдаги Бош Консули

НЬЮ-ЙОРК ШАҲАР МЭРИНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қ а д р л и
Дўстлар:

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаётган ҳар бир инсонга табрик йўллаётганимдан бағоят мамнунман.



Нью-Йорк турли миллат вакиллари, жумладан, Ўзбекистонлик эркак ва аёллар авлодлари учун имкониятлар шаҳри эканидан доимо фахрланади. Ушбу рангбаранглик бизнинг энг катта кучимиздир. Бугун Америкадаги ўзбекларнинг шаҳримиз иқтисодий, маданий ва жомат ҳаётига қўшаётган ҳар бир ҳиссасини байрам қилиб нишонлар эканмиз, мамлакатларимиз қўлга киритиш учун тинимсиз меҳнат қилган ва барчамиз қадрлашда давом этадиган озодлик ёдга тушади.

Нью-Йорк шаҳри номидан ушбу ажойиб тантана учун ўзимнинг энг самимий тилакларимни билдириб қоламан.

Ҳурмат билан,

Майкл Р. БЛУМБЕРГ,
Нью Йорк шаҳар мэри

ВАТАН УЧУН ЖОНИМНИ БЕРАМАН



О т а б о л а р и м
Қашқадарёдан. 1931 йил кулоқ булиб Афғонистонга кетишга мажбур бўлганлар. Шундан бери м у с о ф и р м и з. Бир кун келиб Ватан

мустақил бўлармикан, деб доим Аллоҳдан тилардик.

Эсимда, хориждаги ўзбек ватандошларимиз Ватанни эслаганда доим йиғлашарди. Ҳар куни дастурхон устида Аллоҳга дуо қилардик, ўрисдан, коммунистларнинг қўлидан Ватанимизни қутқар, деб.

Аллоҳ дуоларимизни ижобат қилди, шекилли, мана ниҳоят Ватанимиз мустақил бўлди.

1992 йил дадам билан онам Ватанга боришди. У пайт ота-онам

ҳаёт эдилар. Ўзбекистонга бориб Тошкентга тушганда, отам йиғлаб ерни ўпганлар. Ўзбекистонда акалари, сингилларини топганлар. 1993 йилда ўзим бордим. Мен ҳам ерга тушганда ерни ўпиб йиғладим. Ватан тупроғи муқаддас тупроқ, инсоннинг юрагини енгил қилади.

Отам Ўзбекистондан Америкага ўзлари билан мазор тупроғидан олиб келганлар. Ўлсам шу тупроқ билан кўмгин, дердилар. Васиятларига амал қилиб, вафот қилганларида қабрларига шу тупроқдан қўйдик.

Миллатнинг қиёфасини белгилаб берадиган энг муҳим нарса бу унинг тили бўлади. Шунинг учун биз оиламизда она тилимизни сақлаб қолишга жиддий аҳамият берамиз. Ўғилларим, қизларим, невараларим ҳаммалари ўзбекча гапиришади.

Мустақиллик буюк неъмат, осонликча қўлга келмайди. Биз мустақилликка бурнимиз қонамасдан эришдик. Шундай ўлкалар бор, Ва-

таннинг бир қарич тупроғи учун неча йиллардан бери ўғлонларини қурбон қилади. Мен Ўзбекистонда туғилмаган бўлсам ҳам, Ватан учун жонимни беришга тайёрман.

Ватан билан доимий алоқадамиз. Чикагода ўзбеклар уюшмасини очганмиз. Тилимизни, динимизни, миллий урф-одатларимизни унутмаслик мақсадида доим турли маданий тадбирлар ўтказиб келамиз.

Хулоса ўрнида айтиладиган арзим шуки, Ватан ҳақида қўп гапирамиз, аммо фақат гап эмас, амал ҳам бўлиши керак. Амал қилиш бу Ватанга хизмат қилиш демакдир. Ватаннинг ҳақиқига хиёнат қилмаслик керак. Қаерда ишласак ҳам, номига, вақт ўтказиш учун ишламасдан, сидқидилдан меҳнат қилайлик, токи Ватан ранвақ топсин.

Сирожиддин НАСАФИЙ,
Чикагодаги Ўзбек-Америка
жамияти президенти

ҚАЕРДА БЎЛМАЙЛИК, ВАТАНГА БОҒЛИҚМИЗ



Инсон учун Ватан ҳамиша **а р д о қ л и** бўлади. Биз иш ва бошқа **в а з и ф а л а р** билан дунёнинг турли ўлкаларида ишлашимиз ёки яшашимиз мумкин,

лекин барибир юрагимизнинг бир парчаси олис Ватанга боғланиб туради. Ватанимизни соғинамиз, имкон топилди дегунча, у ерга боришни, қадрдонларимизни, ўзимиз ўсиб

ўлғайган кўчаларни кўргимиз келади.

Мустақиллик бизга Ўзбекистонни ҳақиқий маънода ўз Ватанимиз деб айтиш имконини берди, деб ўйлайман. Ўзга юртга қарамликдан қутилиб, ўз эркимизни қўлга киритганимиз тарихий воқеа бўлгани учун ҳам биз ҳар йили Мустақиллик куни-мизни катта тантана қилиб нишонлаймиз.

Мен мана шу улғу байрам билан АҚШдаги барча ватандошларимизни чин юракдан табриклайман. Қаерда бўлманг, ким бўлиб ишланг, Ватанимизни эсдан чиқарманг. Оз бўлса ҳам, қўлимиздан келганча Ватан равнақи учун ҳисса қўшишга ҳаракат

қилайлик. Ҳеч бўлмаганда, хайрли дуоларимизда Ватанимизни ҳам ёдга олиб туришимиз керак.

Ушбу фурсатдан фойдаланалиб, АҚШдаги ватандошларимизга бош-қош бўлиб, улар учун ўзбек тилида ажойиб газета чиқараётган «Ватандош» таҳририяти аъзоларига ҳам алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Уларнинг халқимиз учун, Ватанимиз учун қилаётган бу хайрли ишлари янада ривож топишини тилаб қоламан.

Тамара НАЗАРОВА,
Нью-Йоркдаги «Мурувват»
маркази раҳбари

НЬЮ-ЖЕРСИ ШТАТИ ГУБЕРНАТОРИНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қ а д р л и
Дўстлар:

Нью-Жерси штати номидан Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик тўйини нишонлаётган барчага ўз тилакларимни етказиб берганимдан бағоят хурсандман.



Нью-Жерси штати ўзининг этник жиҳатдан бой ранг-баранглиги билан фахрланади ва бугунги кунни Ўзбек-Америка жамияти маданиятини қадрлаш ҳамда нишонлаш имконияти сифатида кўради. Америкадаги ўзбекларнинг Нью-Жерси иқтисодий ва маданий ҳаётига қўшаётган қимматли ҳиссаларини қайд этиш муҳимдир ва мен Туркистон-Америка Ассоциациясинининг ўзбек маданиятини нишонлаётганини олқишлайман. Унинг Ўзбек-Америка жамиятлари мероси ва маданиятини тарғиб этишга бўлган садоқати мақтовга лойиқдир.

Байрамнинг муваффақиятли ва эсда қоларли даражада ўтишини тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

Крис КРИСТИ,
Нью-Жерси штати губернатори

Бундан 20 йил муқаддам, 1991 йилнинг 31 август куні дунё харитасида янги давлат пайдо бўлди. Аслида, бу кўп минг йиллик тарихга эга миллий давлатчилигимизнинг яна ўзимизга қайтиши, ўз Ватанамизни ўзимиз мустақил идора қила олиш неъматининг қўлга киритилиши эди.

Яқин мозийга қайтиб, ўша тарихий кунда қабул қилинган тарихий ҳужжат - Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш қабул қилган баёнот матнини бугун эътиборингизга тўлалигича тақдим этмоқчимиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА ОЛИЙ КЕНГАШ БАЁНОТИ



Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

– халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

– Ў з б е к и с т о н халқларининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб,

– шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хелсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб,

– миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб,

– мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир.

Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби Ўзбекистон Республикасининг озод мустақил халқидир.

Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идораларининг тизимини мустақил белгилайди.

Ўзбекистон иттифоқда ягона иқтисодий майдон вужудга келтирилиши, суверен ва мустақил давлатлар ўртасида мутлақо тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шартларда сиёсий ва иқтисодий шартномалар тузилиши тарафдоридир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда ҳудудий бутунлигини ҳимоя қилиш мақсадларида Мудофаа ишлари вазирлиги ва миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлаштирилган СССР Ички ишлар вазирлигининг, СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг идоралари, шунингдек, ички қўшинлар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тобелигига олинди.

Ўзбекистон Республикаси СССР Мудофаа вазирлигининг республика ҳудудида жойлаштирилган ҳарбий қисмлари ва қўшилмаларини шакллантириш ҳамда уларга раҳбарлик қилишга ҳақли эканлигини маълум қилади, жамоа хавфсизлигини вужудга келтиришда ва ССР Иттифоқининг стратегик қўшинларини сақлашда қатнашади.

Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг асосий мақсадлари мустаҳкам тин-

члик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан ҳоли қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиқ ўтказишга, энг аввало, ҳарбий куч қўллашга йўл қўймаслик, инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этишда давлатлар ҳамкорлиги ва халқлар бирдамлигидан иборатдир.

Бундан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Республика Конституцияси ва қонунлари шак-шубҳасиз устун деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда барча шериклар билан бевосита тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузиш учун ўзини очик деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшовчи барча халқларга тенг сиёсий ҳуқуқларни ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишда тенг имкониятларни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ доирасида ҳамма эътироф этган қонун-қоидалар устунлигини тан олади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида 1991 йил 31 августда қабул қилинган.

Мустақиллик байрамимиз арафасида ватанпарварлик ҳақида гаплар кўпаяди, чиройли шеърлар, қасидалар, кўшиқлар айтилади. Зиёлилар, тарихда ўтган мутафаккирлар бу ҳақда нима дейишган? Қизиғи, улар орасида ватанпарварлик ҳақида салбий муносабат билдирганлар ҳам бор. Келинг, бугун баъзи таниқли одамларнинг шу ҳақда айтган гаплари билан танишиб чиқайлик.

“Афсуски, намунали ватанпарвар бўлиш учун киши инсониятнинг қолган қисмига душман бўлиши керак”. (Волтер)

“Инсоният орасидан ватанпарварлик йўқотилмагунча дунё ҳеч қачон тинчмайди”. (Бернард Шоу)

“Ватанпарварлик ичидан урушлар очиб чиқадиган тухумдир”. (Ги Де Мопассан)

“Ватанпарварлик жоҳилларга оиддир”. (Оскар Уайлд)

Кўриб турганингиздек, одатдаги мадҳларга тамомила зид фикрлар. Менинг назаримда, бу машҳур ва ақлли шахслар ўзлари яшаб ўтган даврлардаги урушларда тўқилган қонларни кўриб шундай гапларни гапирганлар. Албатта, уларнинг инсонийлик фазилатлари, инсонпарварликлари таҳсинга сазовор. Бу буюк шахсларнинг сўзлари инсонни фикрлашга, ўйлашга мажбур этади.

Севги, дўстлик, ота-оналик, болалик, ака-укалик, опа-сингиллик каби ватанпарварлик ҳам бир туйғудир.

ВАТАНПАРВАРЛИК ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТ?

Туйғу бу мавҳум тушунча, аммо унинг бизнинг руҳиятимиз ва онгимизга таъсири катта. Худди бошқа туйғулар каби ватанпарварлик туйғуси ҳам ҳаммада ҳар хил бўлади. Баъзиларда ҳатто бўлмаслиги ҳам мумкин ва бу табиий ҳол.

Туйғулар, асосан, инсоннинг ўзига, ўтмишига яқин бўлган нарсаларга нисбатан кучлироқ бўлади. Ҳаммадан кўра ота-онамизни ёки болаларимизни, масалан, яхши кўрамиз, негаки улар бизнинг ўзлимизга яқинроқдирлар. Аммо бу туйғу бизни бошқа одамларни ёмон кўришимизга бевосита сабаб бўлмайди. Аксинча, ўз яқинларини севган одам учун бошқа одамлар ҳам кимларнингдир боласи, онаси, синглиси эканини англаш осонроқ бўлади. Юқорида келтирилган иқтибослардаги умумий янглишлик ҳам айнан шунда. Яъни улар ватанпарварлик туйғуси бошқаларнинг ватанини ёмон кўришга, ҳатто уларга қарши урушишга ундайдиган ҳис сифатида талқин қилинган. Шундаймикан? Ўша уруш мисолини олайлик, мана. Урушда қўлига қурол олиб қурашаётган томонларнинг қайси бирида ватанпарварлик ҳисси бўлади? Албатта, ўз ватанини ҳимоя қилаётганида, босқинчилик қилаётганида эмас! Босқинчини қўлига қурол олиб қон тўкишга мажбур қилган нарса ватанпарварлик туйғусидан бошқа ҳар нарса бўлиши мумкин!

Менимча, юқорида гаплари иқтибос қилинган инсонлар ватанпарварликни фақатгина сиёсатчилар кўлидаги тарғибот-ташвиқот қуроли сифатида кўриб гапирганлар. Аммо ватанпарварлик сиёсий қурол эмас, балки инсоний туйғудир. Албатта, кўпгина бошқа туйғулар каби, ватанпарварлик туйғусини ҳам осонгина манипуляция қилиш мумкин. Лекин биров бошқа одамнинг севгисини ўз манфаати йўлида ўйинчоқ қилиб ўйнаса, севги бу ярамас нарса деган хулоса келиб чиқмайди.

Бу гапларим билан мен бу зотлар мутлақо ноҳақ демоқчи эмасман, аммо ватанпарварлик аслида пок ва инсоний туйғу эканлигини эслатиб ўтмоқчиман холос. Ҳойи-ҳавас, шону-шавкат, бойлигу мансаб ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар улугланган ҳозирги замонда ҳақиқий инсоний туйғу ноёб матоҳга айланиб қоляпти, вафо ҳам, садоқат ҳам, дўстлик ҳам. Агар сиз туғилиб ўсган уйни эслаганда юрагингиз ичикса, Ўзбекистон деган сўзни эшитганда энтикиб кетсангиз, демек сизга шу ноёб туйғулардан бири – ватанпарварлик бегона эмас экан.

Ватанамиз озодлигининг йигирма йиллиги сизга қутлуғ бўлсин, азиз Ватандош!

Аҳад АБДУРАҲМОН

Мустақиллик йиллари ўтмиш саҳифаларига 20 йиллик тарих ўлароқ қўшилмоқда. Қуйида юртимизнинг ана шу жажжи тарих китоби қатларига муҳрланган ёрқин саҳифалар билан танишинг.

1991 йил

31 август. Тошкентда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Олий Кенгашнинг республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёноти қабул қилинди. Тегишли қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб қайта номланди. 1 сентябрь — Мустақиллик куни деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонун қабул қилинди.

18 ноябрь. Олий Кенгашнинг VIII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланди.

29 декабрь. Республиканинг давлат мустақиллиги масаласи бўйича Референдум ва Ўзбекистон Республикасининг Президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Ислон Абдуғаниевич Каримов президент этиб сайланди.

1992 йил

16 март. Тошкентда мустақил Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг биринчи элчихонаси — АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди.

30 апрель. Ўзбекистон Республикаси Европа Тиклашиш ва тараққиёт банки аъзоси бўлди.

2 июль. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонунини эълон қилинди.

24 август. Тошкентда Жанубий Кореянинг “ДЕУ” корпорацияси ва Ўзбекистон Давлат концерни “Автоқишхўжмаш” ўртасида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида йилига 180 минг автомобиль ишлаб чиқарадиган автомобиль заводи қуриш тўғрисида шартнома имзоланди.

9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI Сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди.

1993 йил

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида

қабул қилинган “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонун эълон қилинди.

Сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон тарихида биринчи бор Халқаро Валюта фондининг доимий ваколатхонаси очилди.

1994 йил

25 февраль. Ўзбекистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси, фристайл бўйича Жаҳон чемпиони ва кубоги соҳиби Лина Черязева Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида бўлиб ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида чемпион бўлганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Қишки

Британия) газетасининг тўлалигича Ўзбекистонга бағишланган 40 саҳифалик иловаси босилиб чиқди.

25 март. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида “Дамас” микроавтобусларини ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

16 апрель. Профессионал бокс тарихида илк бор Ўзбекистон вакили — тошкентлик спортчи Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлгани ҳақида хабар эълон қилинди.

23-28 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШга ташриф буюрди. 25 июнда бу ерда мустақил Ўзбекистон Президентининг АҚШ Президенти Бил Клинтон билан расмий учрашуви бўлиб ўтди.

25 июнь. “ЎзДЕУавто” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида “Нек-

Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Шу куннинг ўзида Челак туманининг Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.

2000 йил

9 январь. Ислон Абдуғаниевич Каримов 2000-2005 йилларга Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб сайланди.

7 август. Пекинда биринчи Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси — “Ўзбек ярмаркаси” очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

29 август. “Тошкент — Ўш” автомобиль йўлида Қамчиқ ва Резак довонларида ерости тунеллари очилди.

2001 йил

14 июнь. Ўзбекистон

ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси мавзудаги халқаро конференция ўтказилди.

24 август. “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” янги темир йўли ишга туширилди.

25 август. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи нишонланди.

7 сентябрь. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

21 ноябрь. Туркиянинг Анталия шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси чемпион бўлди.

2008 йил

18 декабрь. Ўзбекистонда “Женерал Моторс” корпорацияси билан ҳамкорликда двигателлар ишлаб чиқарадиган “General Motors Powertrain Uzbekistan” қўшма корхонаси ташкил этилди.

2009 йил

1 сентябрь. 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотланди.

2010 йил

27 май. Гарварддаги халқаро Кичик сайёралар маркази ўзбекистонлик олимлар томонидан очилган кичик сайёра — «Самарқанд»ни 70135-сонли сиркулярида қайд этди.

25 август. “GM Uzbekistan” қўшма корхонаси “Ўзекспомарказ”да Андижон вилоятининг Асака заводида ишлаб чиқарилган янги Chevrolet Spark автомобилни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди.

25 октябрь. Аргентинанинг Креспо шаҳрида футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

2011 йил

Январь. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 28 миллиондан ошди.

24 февраль. АҚШда биринчи ўзбек тилидаги даврий нашр — “Ватандош” газетасининг нишона сони чоп этилди.

4 июль. Мексикада ўтказилган футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси биринчи марта муваффақиятли иштирок этиб, мусобақа чорак финалигача етиб келишди.



олимпиадалар тарихида биринчи марта чемпион шарафига мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янгради.

1 июль. Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм республика ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўм бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин бўлган метал тангалар ҳолида нақд пул муомалага чиқарилди.

1 сентябрь. Боннда (ГФР) Ўзбекистон Республикасининг Европада биринчи элчихонаси очилди.

5 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида Конституциявий Қонун қабул қилинди.

1995 йил

23-24 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессияси бўлиб ўтди.

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласига бағишланган Умумхалқ референдуми бўлиб ўтди.

1996 йил

19 январь. “Таймс” (Буюк

сия” автомобили ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди.

1997 йил

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Истеъдодли ёшларнинг чет элларга бориб ўқишини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умид” жамғармасини ташкил этиш бўйича ташкилий тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 октябрь. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди.

20 октябрь. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди.

1998 йил

5 февраль. Американинг “Шаттл-Эндевер” космик кемаси парвози муваффақиятли якунланди ва унда Америка астронавтлари билан бирга ўзбек космонавти Солижон Шарипов ҳам иштирок этди.

22 май. Ўзбек алпинистларидан биринчи бўлиб Рустам Ражапов Жомолунгму (Эверест) тоғининг энг баланд чўққисини забт этиб, у ерда Ўзбекистон байроғини ўрнатди.

23 октябрь. Самарқандда буюк мутафаккир Имом ал-

Республикаси “Шанхай форуми”га аъзо бўлди.

Июнь. “ЎзДЭУавто” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида “Матиз” автомобили ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди.

2002 йил

18 октябрь. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Кофи Аннан расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

2004 йил

13 июль. Рустам Қосимжонов шахмат бўйича Жаҳон чемпиони бўлди.

2006 йил

24 январь. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг Санкт-Петербург саммитида Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотга расман аъзо бўлди.

2007 йил

14 август. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиши муносабати билан Тошкент шаҳрида “Ўзбекистоннинг

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллигига 20 йил тўлиши муносабати билан халқимизнинг забардаст шоир ва адиблари ушбу байрам билан муборакбод этиб, «Ватандош» учун ижод намуналаридан армуғон этдилар.



СЕН ДАВЛАТСАН, АЗИЗ ВАТАНДОШ!

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

Дўстим, сен ўзни кўп хокисор тутма!
Ожиз бандаман деб эгиб юрма бош!
Юртнинг эгасисан, зинҳор унутма!
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

Мустақил, мўътабар мамлакат сенсан.
Мамлакатда олий машварат сенсан.
Халқсан, ҳукуматсан, салтанат сенсан.
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

Панада турмоқнинг фурсати эмас.
Ватанинг ғарибнинг турбати эмас.
Давлат дастгоҳининг мурвати эмас,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

Ғайрати йўқларга замонлар ёмон.
Жасорат йўқ ерда ёмонлар омон.
Давлат не, сен агар бўлмасанг қалқон?
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

Юрт фарзанди асли ўзи юрт бўлар.
Кўкси қалқон бўлар, кўзи ўт бўлар.
Мардлар билан ватан бағри бут бўлар.
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

ОЗОДЛИКНИНГ ҚўЛЛАРИ

Ҳалима ҲУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси



Онанг каби ўзинг билан
Уни олиб юр,
Боланг каби бир қадам ҳам
Кетказма нари,
Бу дунёни фақат
Унинг билан баҳам кўр,
Мангу, қўлларингга туташ
Турсин қўллари.

Дунё бир кам, ҳар хил келар
Аллоҳнинг куну.
Бош устингда бир кун қайғу,
Бир кун гуллар шон.
Онаси ҳам, боласи ҳам
Яшаш мумкин-у,
Озодликсиз яшаш
Мумкин эмас ҳеч қачон!

ТОШКЕНТ ҚАЕРНИНГ ПОЙТАХТИ?

Ўтқир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Менимча, ўтган асрда биз учун иккита тарихий воқеа рўй берди. Бири — инсон қадамнинг ойга етиши, иккинчиси — Ватанимизнинг мустақилликка эришиши.

Бундан кўп асрлар аввал ҳам тўлин ой кечалари одамлар осмонга термулиб ўтириб бу қандай ҳилқат бўлдиқан, қачондир инсон боласи ойга учармикан деб орзу қилмаган бўлиши мумкин эмас. У америкаликми, япон ёки ўзбекми, миллатидан қатъи назар одам боласининг ойга учиши тарихий воқеа. Худди шунингдек, асрлар давомида айниқса, темурийлар салтанати парчаланиб кетганидан кейин бизнинг аждодларимиз юртим қачон мустақил бўлади деб орзу қилган.

Ўтган асрда бизни тарихимиз, буюк аждодларимиз, маънавий қадриятларимиз, ҳатто она тилимизни унутишга мажбур қиладиган даражага интилдилар.

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. 1968 йили ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги байрам қилинди. Биз — кечагина университетни битирган ёш ижодкорлар меҳмонларга дастёрлик қилиб юрдик. Кунлардан бирида меҳмонларни Орженикидзе тумани (ҳозирги Қибрай тумани)га олиб боришди. Тошкентга қайтиб келгач, мен дастёрлик қиладиган гуруҳдаги меҳмонлардан бири ғалати савол берди: “Тошкент қаернинг пойтахти?”.

Тўғриси, менинг аччиғим чиқди: “Сиз уч кундан бери қаерда юрганлигингни билмайсизми, жаноб? Тошкент — Ўзбекистон республикасининг пойтахти”, дедим. Шунда у кулимсираб бундай деди: “Биз Орженикидзе районига бордик. Луначарский кўчасидан қайтдик. Ундан Пушкин кўчасига ўтдик. Сўнг Энгельс, Первомайский, Куйбишев кўчаларидан ўтиб “Сквер революции” деган боғда Маркс

хайкалини кўрдик. Унинг ёнбошида Пролетарская кўчаси ва Горький парк ҳам бор экан. Ундан кейин “Молодая гвардия” кинотеатри ёнидан бурилиб Ленин кўчасига ўтдик. Бериқоқда “Искра” деган кинотеатр бор экан. Мана энди “Правда Востока” кўчасида турибмиз. Кўчанинг адоғида Свердлов концерт зали ҳам бор экан. Рўпарамизда ЦУМ деган магазин турибди. Меҳмонхонанинг тепасида эса “Ветерок” кафеси деган чироқ ёниб турибди. Бунинг нимаси Ўзбекистон? Навоий-ку улўғ зот, аммо сизларда кўча, боғ ёки кинотеатр номини қўйишга арзийдиган бирор тарихий шахс номи йўқми?”

Ростини айтсам тилимни тишлаб қолдим. Меҳмон тўппа-тўғри гапираётган эди. Ўшандан бир йил аввал “Тошкент оқшоми” газетасида босилган “Ном ҳам хусн белгиси” деган мақолада ўзбек тилидаги атамалар йўқолиб кетаётганлигини ёзганим учун мени Тошкент шаҳар раҳбариятига чақириб “миллатчи” сифатида ҳайфсан эълон қилишганди. Ишонсангиз, Тошкентда ўзбекча ном билан аталувчи биронта боғ, биронта кинотеатр ҳам йўқ эди. Маҳаллий аҳоли зич яшайдиган Хадра майдонидаги кинотеатр ҳам “Родина” деб аталарди. Гўё ўзбек тилида “Ватан” деган сўз йўқдек.

Худога шукур, мустақиллик шарофати, юртбошимиз жонкуярлиги билан бундай шоввинизмга нуқта қўйилди. Ўзбек тилининг қади тикланди. Унга Давлат тили мақоми берилди. Бизнинг юртимизда ҳеч қайси миллат, ҳеч қайси инсон камситилмайди. Бироқ она тилимизнинг Давлат тили мақоми олиши — бу ҳам бир тарихий воқеа.

Ўтган асрнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида кўмита расиси бўлиб ишлардим. “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош

ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини халқаро комиссиядан ўтказиш учун бир қанча мамлакатларга боришга тўғри келди. Аввал Германияга, сўнг Америкага бордик, ундан кейин Швейцарияга қайтдик, кейин Лондондаги Хитроу аэропортида ҳаво кемасига чиқдик. Лайнер мотори ишлаши билан бутун учоқ бўйлаб соф ўзбек тилидаги сўзлар янгради: “Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз”.

Тўғриси айтсам, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Тошкент билан Лондон ораси 15 минг чақиримдан кам эмас. Ҳаво кемасида 300га яқин йўловчи ўтирибди. Улар орасида инглизлар ҳам, французлар ҳам, ҳиндлар ҳам бор. Шундай олис жойда, шунча миллат вакиллари ўтирган ўчоқда менинг она тилим янграпти... Биргина шу ҳолатнинг ўзи учун истиқполга минг марта таъзим қилгим келди.

Мен Мустақилликнинг элимизга қайтариб берган маънавий қадриятларидан фақат биттаси ҳақида гапирдим. Бошқа ўнлаб мисолларни келтирмаган тақдирда ҳам тилимизни тиклаганлиги учун Истиқлол олдида таъзим қилишимиз керак.

ВАТАН

Ҳалима АҲМЕДОВА

Мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ,
Ва ҳеч кимга етмас зиёним.
Аммо сенинг олдингда тупроқ,
Айб қилгандай титрайди жоним.

Райҳонларга чулғаниб кетган -
Онам ҳиди келади сендан.
Биламанки хокисоргинам,
Сен ҳеч нарса кутмайсан мендан.

Маломатга қолиб бу бошим,
Сенга бағрим бериб ётган чоғ.
Юпатдинг ҳам, тушундинг мени -
Дўсту яқинларимдан кўпроқ

Мен туғилган кунимдан бошлаб,
Талпинганим сен бўлдинг, ишон.
Сенинг зарра-зарраларингда
Ҳақ жамоли бўлди намоён.

Ўзга тупроқ тортмас дилимни,
Жойнамозим ўзинг, чўкдим тиз.
Ахир сендан юрагимгача
Боғлаб турар илоҳий илди.

Болам деб хўп яйратдинг мени,
Имкон бердинг ўйнаб кулгани
Фақат мени ўлгандан сўнг ҳам -
Қучоғингга олсанг бўлгани.



ШҮРОЛАР ИККИ БОР ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛГАН ОДАМ

Куни кеча сайтимизда Америкадаги Туркистонликлар жамиятининг Президенти Абдуллоҳ Хўжа “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил” эсдаликни шони билан тақдирлангани ҳақида хабар қилган эдик. Биз бу қувончли воқеа билан таҳририятимиз фаоли, ҳурматли Абдуллоҳ Хўжа жанобларини биринчилардан бўлиб табриқладик.

Абдуллоҳ ака таҳририятимиз меҳмони бўлиб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ўзидан ўзи бўлмагани, бунга айниқса мусофирчиликда кунлари ўтган ватандошларимиз қандай ҳис қилганликларини раҳматли оталари Акбар Хўжа мисолида кўзларига ёш олиб эсладилар. . .

Шу сабаб бўлиб биз бугун фидойи ватандошларимиздан бири, хорижда туриб она юрт озодлиги учун тинмай кураш олиб борган, туркистонликлар орасида катта обрўга эга ҳурматли Акбар Хўжа ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. . .

Акбар Хўжа ҳақида менга 2005 йили Рўзи Назар жаноблари «Акбар Хўжа ҳақиқий ўзбек фидойиси ва миллатпарвари бўлган. У кишининг хур ва чуқур фикрлаш қобилиятига мен тасаннолар айтаман», деб айтган эдилар.

Акбар Хўжа 1920 йили Марғилонда туғилган. Отаси бошқа ўлкаларга қатнайдиган бой савдогар бўлган. 20-йилларнинг охирида у келажакини ўйлаб, бола-чақасини олиб, Шарқий Туркистон орқали Афғонистонга кетади. Афғонистонда кўним топиб, Ҳиндистонга бориб савдо ишларини йўлга қўйишга интилади. Ҳиндистондаги Бомбай шаҳрида ўзбек мактаби очилади. Акбар Хўжанинг отаси уни шу мактабга бериб ўқитади. Лекин қисмат экан, ўша йиллар у отасидан ёш етим қолади. . .

Оилада онаси, акаси, укаси ва синглиси қолган, нима қилиш керак? Ночорликдан у мактабда болаларга пишириқлар сотади, бироз пул тўплаб, каттароқ савдога киришади. . . У кишини битиргач, савдо билан жиддий шуғуллана бошлади. Ҳиндистоннинг Покистон қисмида унинг кўп танишлари ва дўстлари яшар эди, кейинчалик улар билан биргаликда ишлаб, пул тўплайди. У ерда яшаган пайтида вақтни бекор ўтказмай, урду тилини ўрганади. Кейин Афғонистонга қайтиб, тижорат билан шуғулланади.

Акбар Хўжа ҳар тарафлама иқтидорли одам бўлган. Барча фарзандларини илмли қилади, уларни Америка, Буюк Британия ва Туркиянинг машҳур университетларида ўқитади.

Акбар Хўжа дилкаш, ширинсўз, зиели одам эди. Шарқ адабиёти ва шеърятини жуда севар, ўзи ҳам ҳаваскор шоир сифатида шеърлар ёзарди. У киши фарзандларига доимо, “Ватанни севмоқ бу муқаддас бурчдир!” дейишдан чарчамасди.

Абдуллоҳ Хўжа билан Америка заминидан қачон учрашсак, у киши падари бузруквори тўғрисида эҳтиром ила, кўзларига ёш олиб гапиради. Акбар Хўжанинг қандай инсон эканлигини кўпроқ уларнинг шу ўғиллари оғзидан

эшитганман.

Мен Абдуллоҳ акамдан эшитганларимни қозғога тушириб, оталари тўғрисида бир мақола тайёрлашни ният қилдим. Қуйида ана шу хотираларни Абдуллоҳ Хўжа тили орқали сизларга ҳавола қилмоқчиман.

МУҚАДДИМА



Акбар Хўжа ўғли Абдуллоҳ Хўжа билан, Кобул, 1956 йил

Отам Акбар Хўжа шўролар ҳукумати томонидан 50 йил фарқи билан икки бор талон-тарож қилинганлар. Биринчиси 20–30-йилларда бўлса, иккинчиси 70-йилларнинг охирида. 1978 йили никоҳ тўйим муносабати билан, дадам Афғонистондан Америкага ташриф буюрдилар. Орадан бир неча кун ўтгач, шўролар армияси Кобулни эгаллагани ва барча молларимиз мусодара этилиб, талон-тарож қилингани тўғрисида хабар олдик. Бу воқеадан сўнг дадам ва онамни шу ерда олиб қолдик. . .

ВАТАННИ ТАРК ЭТИШ ТАРИХИ



Акбар Хўжа ва рафиқаси Мақфиратхон советларга қарши норозилик намойишида, 1975-йил

Бувамиз 1927 йили Марғилонни тарк этишга мажбур бўлганлар. Отамнинг гапларига қараганда, бува-мизнинг акалари кўшни уйда яшар эканлар. Бир куни кечқурун НКВД ходимлари у кишининг уйига бостириб кириб, барча бойликларни тортиб олиш мақсадида милтиқ билан уларни уриб ўлдирдилар. Бувамиз бу воқеадан кейин бу ерда тинчлик бўлмастлигини англаб, ватандан кетиш тараддудига тушадилар.

Акасини кўмиб, эртаси куни азонда бувамиз яқин қариндош-уруғлари билан ватанни ташлаб кетишга мажбур бўладилар. Улар аввал Қашқарга, ундан сўнг Ҳиндистону Покистондан ўтиб Афғонистонга келганлар. Йўлда кўрган азоб-уқубатларни гапирганларида отамнинг кўзи жиққа ёшга тўларди. Авлодларимиз катта савдогар бўлганлар, улар Россия, Хитой ва бошқа ерларга бориб савдо-сотиқ ишлари билан машғул бўлганлар. Ўрта ёшли бувам Ҳиндистонга қарашли Пешовар шаҳрига етиб борган кунлари қаттиқ дардга чалиниб, ўша ерда

вафот этганлар. Бувим тўрт бола билан қоладилар ва Саудия Арабистонига боришга аҳд қиладилар. У ерга боришда улар жуда кўп машаққатларга дуч келишади.

Бувим ва дадам Мадинага бориб, ҳаж сафарини адо этадилар. Шароит яхши бўлмагани сабабли бувимиз ҳам тез орада касал бўлиб, ўша ерда бандликни бажо келтирадилар. Энди отам акалари билан бирга, ҳали ёш бола бўлишларига қарамай ука ва сингилга ҳам ота, ҳам оналик қилишарди. Бир куни кечаси уларнинг озгина қолган пулларини ҳам у ердаги муттаҳамлар ўғирлаб кетишади. . .

Дадам акаси билан иш топиб, укаларини боқа бошлайдилар. Ҳаёт тобора оғирлашаётганидан, ака-ука маслаҳатлашиб, бу ердаги қийинчиликларни ҳисобга олиб, Ҳиндистонга қайтишга қарор қиладилар. Йўлда минг бир азобларни енгиб Бомбай шаҳрига келадилар. Йўл азобидан эзилган дадамнинг акаси оғир хасталикка чалинади ва сал ўтмай дадамнинг кўлида жон беради. . .

ОТАМНИНГ ОҒИР ДАРДГА ЙЎЛИҚИШИ

Энди ҳамма оғирлик дадамнинг бошига келиб тушади. Лекин ўша ердаги муслмонларнинг уларга раҳмлари келиб болаларни етимхонага жойлайдилар. Улар етимхонада ўн йилга яқин яшашди. Дадам қийинчиликлардан қаттиқ сиқилиб, ўзлари ҳам оғир касалга дучор бўладилар. Фақат Парвардигорнинг саховати сабабли укаларининг бахтига соғайиб кетадилар. Етимхонада бўлганларида раҳмдил кишилар етимларнинг кўлларига оз-оздан пул берардилар, дадам шу пулларни тўплаб бозордан кулча нон, турли ширинликлар олиб келиб, етимхонадаги бошқа болаларга сотиб, бироз пул тўплашга эришадилар. Шу тариқа дадам кичик тижорат ишларига қадам қўя бошлайдилар. Лекин шодликлари узоқа чўзилмайди, яна эски касаллари кўзгаб, соғлиқлари ёмонлашади. Етимхона бошлиғи дадамни докторга олиб боради, доктор кўриқдан ўтказиб, директорга секингина, «Боланинг умри оз қолибди, кўпи билан икки ойга боради, шунинг учун нима сўраса бериб, хафа қилмасдан тузукроқ қаранглар», дейди.

Дадам урду тилини яхши билганлари сабабли, ҳамма гапни тушунадилар. Бу гапларни эшитиб кайфиятлари чўкади. Бу ҳақда укаларига ҳеч нарса айтмай, дардларини ичига ютадилар. Кейин дадам етимхона бошлиғига ҳаммаларини Кобулга, амакиларикига жўнатишларини илтимос қиладилар. Қолган икки ойлик умрларини ватанига яқин Кобул шаҳрида ўтказишни хошлаётганларини ва ҳаётдан кўз юмсалар, ватанларига яқин жойда кўмилиш истаги борлигини айтадилар. Аслида эса, у ерда амакилари бўлмаган. Лекин нимага

Мен шунча ёшга кириб, бир муҳожир сифатида, Ўзбекистон мустақилликка эришишини, Америкада ўз элчихонасини очиб, ўзбек байроғи баланд кўтарилиб қилпираб туришини бир умр орзу-ният қилганман, лекин бунга кўришликни хаёл қилолмасдим. Ватанимни кўра олмасам ҳам, ватанимнинг бир қарич ери бўлиши Ўзбекистон элчихонасини, юртимнинг беғубор байроғини, ватанимнинг асл вакили, она юртим элчиси билан дийдор кўришиб, у кишини ва у киши орқали Ўзбекистон Президентини ҳамда бутун ўзбек халқини дуо қилишлик насиб этгани учун Аллоҳга беадаб шукур. . .

Акбар ХўЖА, Вашингтон, 1995 йил

айнан Кобул шаҳрини танлаганларини билмадим. Иккинчи куни етимхона директори кўзида ёш билан ўзи шахсан болаларни етаклаб вокзалга олиб боради, кўлларига озроқ пул, кийим-бош ва емак тутқазиб, дадам ва укаларини Кобулга жўнатади. Кобулга етиб келганларидан сўнг дадам етимхонада йиққан озгина пулларини ижарага бериб, бир ўзбек хонадонидан яшай бошлайдилар. Ёш бўлишларига қарамасдан, кичик тижоратга берилиб ишлайдилар ва бунга укаларини ҳам жалб қиладилар. Лекин соғлиқлари кун сайин оғирлашиб боради ва бу вақтга келиб анча мадорсизланиб олиб кетадилар. . .

ОТАМНИНГ «ИККИНЧИ БОР ТУҒИЛИШЛАРИ»



Нью-Йоркда ўтказилган норозилик намойиши, 1975 йил

Бир куни дадамнинг оёқларини қора чаён қақиб олади, оёқлари шишиб, иситмалари кўтарилиб кетади. Кўнгиллари озиб, бир-икки ҳафтагача уйда қийналиб ётадилар. Мана энди бу дунёни тарк этишим аниқ бўлди деб, ўлимни пойлайдилар. Бечора ука ва сингиллари ўтириб кун бўйи Худого ёлвориб йиғлашган экан. Вақт ҳам секин-аста ўтаверади. . .

Бир куни эрталаб, дадам ўринларидан эрта туриб, худди оналаридан қайта туғилгандай ҳеч қандай оғриқни ҳам сезмай, ювиниб-тараниб, кўчага югуриб, ишларини давом эттирадилар. Энг асосийси, эски дардлари ҳам шу чаён захридан кейин йўқ бўлиб кетади. Ҳеч вақт ўтмай дадам кун сайин куч-қувватга тўла бошлайдилар. Икки ой ҳам ўтади, икки йил ҳам ўтади, отам эса Аллоҳга шукурки, отдай бўлиб кетадилар. Етим-есирларнинг дуосини Аллоҳ биринчи навбатда эшитади, деганлари шу бўлса керак-да. Дадамнинг кейинги ишлари жуда ривожланиб кетади, савдо ишларини мукамал ўрганиб, савдо-тижорат ишларига берилиб кетадилар. Ишлар орасида ўқишни битириб, уйли-жойли бўладилар, укаларини ёнларига олиб, уларни ҳам ҳунарга ўргатадилар.

Дадам 5–6-йилдан кейин Бомбайга

иш билан бориб, уларга ёрдам берган саховатли инсон, етимхона директоридан хабар оладилар. Бир вақтлар отамни ва укаларини вокзалда кузатган директор отамни кўриб хайратдан ёқасини ушлаб қолади, унинг олдида кўзлари нурсиз, юзлари сарғайган, боши эгик бола ўрнида баланд бўйли, қадди-қомати келишган, юзлари ёруғ, кўзлари чақнаб турган Акбар Хўжа турарди. Директор "Ё Раббим", дея отамни бағрига босади. Уни соғ-саломат кўрганидан жуда хурсанд бўлади, дадамга икки ойлик умри қолди деб ташхис қўйган доктор бир ойдан сўнг ўзи тўсатдан ўлганини гапириб беради. . .

ОТАМНИНГ КЕЙИНГИ ҲАЁТЛАРИ

Отамга ҳаёт-мамонт курашларида голиб бўлиб, ҳамма қийинчиликлардан мардона ўтиб, яхши ҳаёт кўришлик насиб этади. Анча оёққа туриб олгач, савдо-сотик ишлари ҳам ўз йўлига тушиб кетади. 1948 йили Афғонистонда отамиз бўлажак онамиз, асли андижонлик бўлган Маҳфират исмли аёл-



Акбар Хўжа турмуш ўртоғи Маҳфират она ва фарзандлари даврасида, Нью-Жерси, 1994-йил

га уйланадилар. Улар олти фарзанд кўрадилар: Солиҳа, Абдуллоҳ, Фотима, Аъзам, Садиҳа ва Салим. Дадам йилдан йилга савдо ишларини ривожлантира бошлайдилар, улар Афғонистонга Германия ва ҳатто Америкадан мол келтириб сотар эдилар. Жаҳонга машҳур «Омега», «Ролекс» каби соатсозлик компаниялари билан савдо-сотик ишларини, шунингдек, араб мамлакатларига тери, қуруқ мева ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни йўлга қўйиб, Кобулдаги катта тадбиркорлардан бирига айланадилар.

Отам олти фарзандни вояга етказиб, барчаларини олий маълумотли қиладилар. Солиҳа олам билан мен Буюк Британияда таълим олганмиз, Фотима синглим Туркияда ўқиб келган, бошқа укаларим ҳам Американинг энг обрўли университетларида билим олишиб, ҳозирда ўз ишлари билан бандлар. Дадам жуда меҳмондўст, олижаноб ва саховатли инсон эдилар. 5–6 тилда бемалол гаплаша олардилар. Дўстлари кўп, уйимиз ҳар доим

меҳмонлар билан гавжум бўларди. Кобул шаҳри ўз даврида жуда кўркам ва чиройли шаҳар бўлган. Унинг сўлим кўчаларидан бирида дадамнинг ҳовлиси бўлган. Дадам Афғонистонда 30 йилча яшадиладар.

АКБАР ХЎЖАНИНГ ДУНЁҚАРАШИ

Акбар Хўжа жуда олға интилувчи, серғайрат ва дунёвий илмларга бой инсон бўлган, диний ақидаларга риоя қилган ҳолда, кўп масалаларда прогрессив қарорлар қабул қилган. Бир мисол, хурофотга ботган Афғонистонда 60–70-йилларда қизларни чет элларда ўқитиш у ёқда турсин, ўқитишнинг ўзи умуман ёт нарса эди. Шунга қарамай, дадам суюкли катта қизларини Англияга, иккинчисини Туркияга ва кенжа қизларини Америкага юбориб ўқитадилар. Айрим ўзбеклар Акбар Хўжага «Нима учун қизларингни кофир мамлакатга юбординг? Бу нима деган гап, уларнинг бузилиб кетишидан кўрқмайсанми?», деб ўртага олишади. Шунда у, «Биринчидан, пайғамбаримизнинг илм олиш ҳар бир мусулмон аёли ва эр-каги учун фарздир, деб айтганларига амал қилганман, аёлнинг илм олиши муҳимроқ, чунки илмли аёл бўлажак авлодни ҳам илмли қилиб тарбиялайди. Иккинчидан, нега Афғонистон подшоҳининг фарзандлари Европада ўқиши мумкин, бизнинг фарзандларимиз ўқимаслиги керак? Хўш, уларнинг нимаси кам? Болаларимиз дунёвий илмларни билса, Афғонистон бугунгидай зимистонда яшамаган бўларди, улар дунё кўриши,

илмли бўлиши учун мол-дунё уёқда турсин, керак бўлса жонимни беришга ҳам тайёрман», деб жавоб қайтаради.

ОТАМНИНГ АМЕРИКА ЗАМИНИГА КЕЛИБ ҚОЛИШИ

1978 йили дадам ва онам менинг тўйимни ўтказиш учун Америкага ташриф буюрадилар. Отам менга Адана шаҳрида туғилган, Абдурахим Андижон исмли бир олижаноб одамнинг Сабоҳатхон исмли қизига уйланишни тавсия қиладилар. Мен отамнинг раъйига қараб у қиз билан яқиндан танишганман.

Мана, 30 йилдан бери иккаламиз беш болани катта қилиб, бахтли ҳаёт кечириб келмоқдамиз. Буни ҳам отамнинг дуоларидан деб биламан. Тўй ўтиб бўлганидан сўнг улар қайтиш тараддудида эдилар, лекин айна ўша вақт Совет Армияси қўшинлари Афғонистонга бостириб кириб, уруш бошланиб кетади. Шундан кейин улар бизниқанда қолиб кетадилар. Кобулдаги отамдан қолган уйни совет босқинчилари талон-тарож қилади. Бу

уйни бизга Ҳамид Карзай ҳукумати 22 йилдан кейин қайтариб берди. Бундан икки йил олдин Кобулга бориб уйнинг аҳволини кўрдим, даҳшатли уруш сабабли маҳалламизда бирорта соғ уй қолмаган, ҳамма ерлар вайрон бўлиб кетган экан, мен бу манзарани кўриб жуда ачиндим. . .

Отам Америкада ҳам тинч ўтирмайдилар, тижорат, савдо-сотик ишларини бўшаштирмай олиб бордилар.

Аслида, катта ёшли иммигрантларнинг янги шароитга мослашиши қийин. Дадам Нью-Йоркда янгидан бизнес бошлаб юбордилар. Манҳеттенда бирин-кетин магазинлар очиб, АҚШнинг бошқа штатларида ҳам фаолият юргиза бошлайдилар. Ҳовли-жой сотиб оладилар. Шу тариқа, ишлар юришиб кетади. Отам бошлаб берган бизнес ишларини бугунги кунда укам Аъзам Хўжа ва синглим Солиҳахонлар давом эттирмоқдалар.

Акбар Хўжанинг умуман бўш вақтлари бўлмас эди, шунга қарамай, умрларининг охири дақиқаларигача Ўзбекистоннинг ҳақиқий фидойиси эканликларини кўрсата олганлар. «Туркистон–Америка» ассоциациясининг барча тадбирларида қатнашишга ҳаракат қилардилар. Айниқса, Америкада ҳар йили ёзда кенг нишонланадиган «Асир миллатлар» ҳафталигида фаол иштирок этиб, бошқа ватандошларини ҳам даъват қиларди.

Дадам Ўзбекистон мустақиллигини катта хурсандчилик билан кутиб олдилар, у пайт у кишидан бахтли инсон бўлмаган бўлса керак. Ниятлари мустақил Ўзбекистонни кўриш, туғилиб ўсган ерларни зиёрат қилиш эди. . .

Аллоҳга шукурлар бўлсинки, у киши ватанимиз мустақиллигини эшитдилар, лекин соғлиқлари ёмонлашгани сабабли шифокорлар узоқ масофага боришга рухсат беришмади. 1996 йили отамнинг ўрнига мен ота-буваларим яшаб ўтган жойларга бориб, зиёрат қилиб қайтдим, у ерда эски уйимизни ахтариб топиб, дуо-фотиҳалар ўқидим, дадамнинг номларидан худойилар ўтказдим. . .

ОНА ЗАМИН БИЛАН СЎНГИИ УЧРАШУВ


Соғлиқлари яхши бўлмаса-да, дадам мени чақириб, Вашингтонда очилган элчихонамизнинг янги биносини, унинг олдида ҳилпираб турган Ўзбекистон байроғини томоша қилдириб келишни сўрадилар. Мен дадам билан элчихонага бордим, бизни эшик олдида Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги элчиси Фаттоҳ Тешабоев кутиб олдилар.

Ҳаяжондан отам кўзларига ёш олиб шундай дедилар: «Мен шунча ёшга кириб, бир муҳожир сифатида,

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, Америкада ўз элчихонасини очиб ва ўзбек байроғи баланд кўтарилиб ҳилпираб туришини бир умр орзу-ният қилганман, лекин буни кўришни хаёл қилолмасдим. Ватанимни кўра олмасам ҳам, ватанимнинг бир қарич ери бўлмиш Ўзбекистон элчихонасини, юртимнинг бегубор байроғини, ватанимнинг асл вакили, она юртимнинг элчиси билан дийдор кўришиб, у кишини ва у киши орқали Ўзбекистон Президентини, бутун ўзбек халқини дуо қилишлик насиб этгани учун Аллоҳга беадад шукур. . . »

Дадам, Вашингтондаги аксар давлатларнинг элчихоналари жойлашган «Масачуссетс стрет» шоҳ кўчасидаги муҳташам иморатлардан ҳисобланган Ўзбекистоннинг Америкадаги элчихонасини биносини узоқ вақт ҳавас билан томоша қилдилар. Мен халақит бермай, четдан жимгина кузатиб турдим. Менимча, ўша пайт отамнинг хаёлидан болалик давридаги ўша 20-30-йил воқеалари, Марғилонда дадамнинг кўз олдида отиб ташланган амакисининг сиймоси, Сталин ва советлар давридаги очарчилик, қатағон йилларида бегуноҳ шаҳид кетганлар, маълум сабабларга кўра ватанни вақтинча тарк этишга мажбур бўлган ватандошлар ва ўзининг бошидан ўтган оғир қисмат бирма-бир гавдаланган бўлса ажаб эмас. . .

Нью-Жерсига қайтиб келганимизда, отамнинг кайфиятлари жуда чоғ эди. Худди катта ишнинг уддасидан чиққан кишидек, елкаларидан



«Туркистонлик буюк ватанпарвар», Акбар Хўжанинг қабртоишидаги битикдан

қандайдир бир оғир юк юмалаб кетгандек мағрур юрдилар. Юзларидаги қувончнинг чеки кўринмасди. Аммо бир неча кундан кейин отамнинг соғлиғи тўсатдан ёмонлашди. У киши 1995 йилнинг 15 январидида вафот эдилар ва Нью-Жерсидаги мусулмонлар қабристонига дафн қилинди.

Мавлон ШУКУРЗОДА,
АҚШ, Нью-Жерси, Парсиппани.

FORTUNA

4112 18 Av, Brooklyn, NY, 11218

KASHKAR cafe

Ўғур Food 1141

Ўзбек Delicacy International Food 718-743-3832

KASHKAR CAFE

1141 Brighton Beach Ave, (between Brighton 14th st. and Brighton 15th st.) Brooklyn NY 11235 USA.

Phone: 1 718-743-3832

www.kashkarcafe.com Email: info@kashkarcafe.com

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси жаноб Жорж Крол кунги кеча халқимизни Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги билан муборакбод этди. Ушбу тарихий сана муносабати билан, қолаверса, АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларидаги янги босқич ва вазифалар ҳақида билиш мақсадида “Ватандош” мухбири АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси жаноб Жорж Крол билан суҳбатлашди. АҚШнинг Ўзбекистондаги дипломатик миссияси етакчиси сифатида яқинда иш бошлаган элчи жаноблари мамлакатимизнинг 20 йил давомида эришган ютуқларига юқори баҳо берди.

Савол: Мухтарам элчи жаноблари, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида турли даражаларда алоқаларнинг кучаяётганига ва ўзаро муносабатларнинг мустақамланаётганига гувоҳ бўляпмиз. Ўзбекистон дав-

ўртоқлашсангиз.

Жорж Крол: Ўзбекистонга келганимга бир неча ой бўлишига қарамай, ҳар кунги ушбу ўлка, унинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, тараққиёти ва одамлари ҳақида кўп нарса



ЭЛЧИ ЖОРЖ КРОЛ:

«АҚШ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЯҚИН ҲАМКОР БЎЛИШНИ ИСТАЙДИ»

лати раҳбарига ишонч ёрлигини топшириш маросимида сўзлаган нутқини Вашингтон ва Тошкент алоқаларининг янги босқичга кираётгани ҳақида гапирдингиз. Бундан ташқари, ўзаро фойдали муносабатларни янада чуқурлаштириш Ўзбекистонда дипломатик миссиянинг асосий мақсади эканини айтдингиз. Бу янги босқичнинг аввалгисидан асосий фарқи нимада? Икки томонлама муносабатларнинг қайси соҳалари энг муҳим ҳисобланади ва нима учун? Шулар ҳақида батафсил сўзлаб бера olasизми?

Жорж Крол: Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлар экан, мамлакатларимиз динамик ҳамкорликка мос барча жабҳаларда — сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни янада чуқурлаштириш ва яхшилаш борасида яхши мавқеда турибди. Аллақачон ўрнатилган мавжуд алоқалар асосида, Марказий Осиёнинг тинч ва барқарор раванқ топишини таъминлашга бўлган ўзаро қизиқишларимиз олдимизда турган кейинги ўн йилликлар учун икки томонлама алоқаларимизнинг пойдеворини белгилайди. Ўзбекистоннинг ўз фуқаролари ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилишга ундовчи ва асосий ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий фаровонликни таъминлашга хизмат этувчи кучли, эркин ва демократик жамият қуриш йўлидаги ҳаракатларини қўллаб қувватлашга бел боғлаганмиз. АҚШ мазкур ҳудудда тинчлик ва давомий хавфсизликни таъминлашдек умумий мақсадимизга эришишда Ўзбекистон учун ишончли, доимий ва эҳтиромли ҳамкор бўлишни истайди.

Савол: Ҳурматли элчи жаноблари, Ўзбекистонда қўллаб давлат арбоблари, сиёсатчилар, дипломатлар, журналистлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашдингиз. Ушбу учрашувлар ҳақида фикрингиз қандай? Ўзбекистон ҳақидаги илк таассуротларингиз ҳақида

ўрганяпман. Ҳамма жойда, кўчада ва метрода бўламанми ёки жамоатчилик тадбирларида ва турли даражалардаги учрашувларда, одамларда самимийлик ва меҳмондўстлик кўрдим. Умуман олганда, ўзбек халқи менга ва Америкага дўстона муносабатда ва айниқса, уларнинг гўзал тилларини сўзлаш учун қилаётган ҳаракатларимни қадрлашади.

Савол: Ушбу лавозимга тайинланишдан олдин сиз Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бюросида Давлат Котиби ёрдамчисига ўринбосар бўлиб хизмат қилгансиз ва ушбу макроҳудудда рўй бераётган жараёнлардан яхши хабардорсиз. Мамлакатимизнинг бугунги геосиёсий вазиятини қандай баҳолаган бўлар эдингиз? Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни кучайтириш борасида Ўзбекистоннинг роли ҳақида фикрингиз қандай?

Жорж Крол: Марказий Осиёнинг маркази сифатида Ўзбекистон ҳар доим ҳудуднинг хавфсизлик, маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаган. У кўшниси Афғонистоннинг иқтисодийтини яхшилашга кўмаклашиш учун кўп ишлар қилган. Ўзбекистондан келадиган энергия Кобулдаги чироқларни ёритиб турибди ва Ўзбекистон Афғонистонда мамлакатни келажакдаги иқтисодий тараққиёти учун муҳим инфраструктура билан таъминловчи жуда ҳам керакли темирйўл қуриб берди. Ҳар қандай аҳолининг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш мустақам ижтимоий ва сиёсий хавфсизлик ва барқарорликка эришишнинг калитидир. Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни кучайтиришга қаратилган ёндошуви ва қўшаётган ҳиссаси, албатта, аввало, ўз уйдан бошланади, деб таъкидлаш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон кўшни давлатлар учун керакли муҳандис-техник мутахассисларни тайёрлаб бераётган

ни билан ҳудуд учун таълим маркази ҳамдир. Ўзбек санъати ва мусиқаси ҳам бутун ҳудуд бўйлаб тобора машҳур бўлиб бормоқда. Санъат ва мусиқа одамларни бирлаштиради, шу билан бирга, минтақавий ҳамда глобал барқарорлик ва ўзаро англашувни кучайтирувчи омиллардир.

Савол: Ўзбекистон ва АҚШ ҳозирги мавжуд муносабатларни ҳамда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг кенг соҳаларидаги истиқболли алоқаларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистонда юқори технологик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун АҚШнинг катта миқдорли инвестиция киритиш истиқболлари қандай?

Жорж Крол: Мен Ўзбекистонда АҚШнинг барча катталиқдаги бизнес компаниялари учун яхши имкониятлар кўрмоқдаман. Буни Америка-Ўзбек Савдо Палатаси ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ўтган февраль ойида уюштирган Бизнес Форумда америкалик компанияларнинг муваффақиятли иштирок этгани ҳам кўрсатди. Ўзбекистоннинг яхши таълим олган ва меҳнаткаш халқи ҳамда ҳудуддаги марказий жойлашуви бўлажак сармоядорларга кўп нарса таклиф қилади. Биз АҚШ компанияларини Ўзбекистонда бизнес қилишга даъват қиламиз ҳамда Ўзбекистон ҳукуматини ўлкада мумкин қадар энг яхши бизнес иқлимни яратишга чақирамиз. Ўзбекистон иқтисоди эҳтиёж ортиб борар экан, бу ерда Америка маҳсулотлари ва технологияларини сотиш учун кўп имкониятлар бор.

Савол: Экспертларнинг фикрига кўра, Афғонистондаги ҳарбий хавфсизлик, сиёсий барқарорлик ҳамда иқтисодий фаровонликнинг узоқ муддатли истиқболлари кўшни давлатлар билан алоқаларни мустақамлашга боғлиқ. Хусусан, “Катта Марказий Осиё”

лойиҳасининг муаллифи Фредрик Старр, Афғонистон “иқтисодийтини тиклаш” жараёнига унинг барча кўшниси жалб этилиши керак, дейди. Шу бўйича Ўзбекистон Афғонистондаги бир неча инфра-структура лойиҳаларида фаол иштирок этмоқда. Афғонистон муаммосига тинч ечим топиш йўлида олиб борилаётган халқаро фаолиятларда Ўзбекистоннинг роли ҳақида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим. Афғонистон муаммосини ҳал қилишда АҚШнинг янги йўналишлари нималардан иборат ва бунда АҚШ-Ўзбекистон ҳамкорлигининг ўрни қандай?

Жорж Крол: Юқорида айтганимдек, Ўзбекистон аллақачон Афғонистоннинг иқтисодий ўсишида ва уни қайта қуришда муҳим ўринга эга. АҚШ бундай ўзаро фойдали ҳамкорликни нафақат Ўзбекистон ва Афғонистон орасида, балки Жанубий ва Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар ўртасида бўлишини истайди. Биз минтақа бўйлаб янада кенгроқ иқтисодий фаолият ва ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Марказий Осиё давлатлари билан уларнинг ўзаро ҳамда жанубдаги кўшниси билан ҳамкорликларини йўлга қўйиш йўлида ишлашда давом этамиз. Лекин бу томонлардан, жумладан, АҚШдан ҳам, мақсад ва ҳаракатларда мунтазамлик ва давомийликни талаб этади. Давлат Котиби Х.Клинтон яқинда Ҳиндистонда қилган нутқида бу борадаги бизнинг бурчдорлигимизни баён этди. Бу нутқда у кўпинча беқарорлик, низо ва зиддиятлар ўрни бўлган Марказий ва Жанубий Осиё ҳудудида давомий барқарорликни ўрнатиш мақсадида иқтисодий ва савдо алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилувчи Янги Ипак йўли стратегиясини эълон қилди. Ушбу стратегияни тарғиб қилиш ва тушунтириш менинг Ўзбекистондаги АҚШ элчиси сифатида қилишим керак бўлган асосий вазифа-

ларимдан бири бўлади.

Савол: Америка икки асрдан зиёд демократия тарихига эга ва Ўзбекистон демократик институтларни барпо этиш бўйича фақат 20 йиллик тажрибага эга. Ўзбекистонда парламент ваколатларини ошириш, суд мустақиллиги, нодавлат ташкилотлар ва ОАВ ролини кучайтириш мақсадидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлаб чиқилган концепсияни қандай баҳолайсиз?

Жорж Кроп: Мустақилликдан кейинги 20 йиллик тараққиёти давомида Ўзбекистон ўз иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини мустақамлаш ҳамда муҳим давлат структураси ва қонунларини ишлаб чиқиш бўйича катта муваффақиятларга эришди. Кейинги босқич бу қонунларни ижро этиш ҳамда ОАВ, парламент ва ҳокимиятнинг суд ва ижроия органларига куч ва ҳаёт нафасини беришдан иборат. Фуқаролари ўз қонуний ҳуқуқларини билувчи ва улардан фойдалана олувчи ҳамда фуқаролар сифатида ўз мажбуриятларини бажара олувчи фуқаролик жамиятини барпо этиш Ўзбекистонда давомий барқарорликни таъминлаш учун муҳим омилдир. Фарқли маданиятларга эга бўлсак ҳам, давлатчилигимиз тарихида турли тажрибаларни бошдан ўтказганимизга қарамай, АҚШ тажрибаси шуни кўрсатади. Назаримизда, Ўзбекистон халқи ва раҳбарияти ана шундай жараёнга тинч ўтиш йўлида ва ўзларига хос шароит ва воқеликларни ҳисобга олган ҳолда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик учун ўз йўналишини белгиламоқда. Биз ҳам Америкада замон ўзгариши натижасида доимий равишда ўзгаришларга юз тутиб боряпмиз ва биз 200 йил олдин бугунги воқеликдан мутлақо фарқли бўлган шароитларда ёзилган бўлишига қарамай, Конституциямиз ғоялари ва қонунларини амалга татбиқ этишга ҳаракат қиламиз. Сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тизим ва структураларимизни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида фаолият олиб борар эканмиз, ўзаро эҳтиромли ва тенг ҳамкорлар сифатида АҚШ ва Ўзбекистон бу борада бир-бирига кўмакдош бўлади.

Савол: Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланмоқда. Эркин тараққиёт йилларида мамлакат иқтисодий ислохот, инфраструктуранинг ривожлантириш ҳамда ижтимоий соҳада сезиларли муваффақиятларга эришди. Глобал молиявий инқироз шароитида Ўзбекистонда амалга оширилган инқирозга қарши чоралар дастури ҳақида фикрингиз қандай? Ўзбекистоннинг халқаро савдо ва иқтисод тизимида янада интеграциялашуви истиқболларини қандай кўрасиз?

Жорж Кроп: Собиқ Совет иттифоқи кулагандан кейинги мавҳум кунлардан тортиб энг сўнгги глобал молиявий инқироз пайтигача Ўзбекистон иқтисодий барқарорлигининг диққатга сазовор даражасини таъминлай олди. Ҳукуматнинг инқирозга қарши чоралар дастури бошқа ўлкаларда қўлланган чораларга ўхшаш ва биз

унинг Ўзбекистон молия тизимини барқарорлаштириб, иқтисодийнинг ўсишда давом этишини таъминлаганига гувоҳ бўляпмиз. Ҳукумат, барибир, иқтисодий янада либераллаштиришга ҳамда умумий иқтисодий ўсиш ва иш ўринлари яратишнинг энг яхши воситаси бўлган кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига ёрдам берувчи молиявий хизматларни оширишга эҳтиёж борлигини тан олади. Ўзбекистон савдо алоқалари ва маҳсулотларини ҳудуд бўйлаб ва глобал миқёсда кенгайтириб борар экан, халқаро савдо ва иқтисодий тизимга, масалан, Жаҳон Савдо Ташкилотига секин-аста қўшилиб боради.

Савол: Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ўсиб келган янги авлоди ўз тақдирлари ва муваффақиятларини бевосита мамлакатлари тараққиёти билан боғлашади. Шу мақсадда ҳукумат миллий менталитет, анъана ва урф-одатлар ҳамда умумжаҳон қадриятлари асосида, жумладан, ёшлар сиёсатида доимий ва кенгқамровли ўзгаришларни амалга ошириш йўли билан ёш авлод таълимига алоҳида эътибор қаратган. Ўзбекистон келажагини, ва бу ўлканинг мустақиллигини янада мустақамлашда ёшларнинг ўрнини қандай кўрасиз?

Жорж Кроп: Ўзбекистон ўз мамлакатлари келажагига катта қизиқиш билан қаровчи ёрқин ва фаол ёшлар жамоасига эга. Ҳар икки мамлакатларимиз ёшлар соғлиғи ва ривожланишига бирдек қизиқиш билдириб келди ва мамлакатларимиз замонавий ўзгаришлар ва ҳаёт тарзи қаршисида соғлом турмуш тарзи ва таълимни тарғиб этиш борасида кўп ишлар қилган. Умид қиламанки, мамлакатларимиз ёшлари дунёни ва унинг рангбаранглигини ўрганиш ҳамда унда фаол ва масъулиятли фуқаролар сифатида иштирок этиш мақсадида бир-бирлари билан учрашишлари ва танишишлари учун кўп имкониятлар бўлади.

Савол: Мухтарам элчи жаноблари, АҚШда чоп этилаётган биринчи ўзбекча газета - «Ватандош» тахририяти самимий суҳбатингиз учун сизга ташаккур изҳор этади. Сизда газетамиз орқали юртдошларимизни ҳамда Америкада истиқомат қилаётган ватандошларимизни Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами билан табриклаш имкони бор.

Жорж Кроп: Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Мен Ўзбекистон эришган муваффақиятларни олқишлаётган барча америкаликларга қўшилган ҳолда Ўзбекистон халқига давомий тинчлик, фаровонлик анд бахт-саодат тилайман. Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

Мавлон ШУКУРЗОДА
суҳбатлашди,
Вашингтон-Тошкент.

«Ватандош» газетаси барча юртдошларимизни Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан муборакбод этади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИЛЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ

- 1991 — Алишер Навоий йили
- 1992 — Ҳамширалар йили
- 1993 — Аҳмад Яссавий йили
- 1994 — Мирзо Улуғбек йили
- 1995 — Ибн Сино йили
- 1996 — Амир Темур йили
- 1997 — Инсон манфаатлари йили
- 1998 — Оила йили
- 1999 — Аёллар йили
- 2000 — Соғлом авлод йили
- 2001 — Оналар ва болалар йили
- 2002 — Қарияларни қадрлаш йили
- 2003 — Обод маҳалла йили
- 2004 — Меҳр-мурувват йили
- 2005 — Сихат-саломатлик йили
- 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили
- 2007 — Ижтимоий ҳимоя йили
- 2008 — Ёшлар йили
- 2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили
- 2010 — Баркамол авлод йили
- 2011 — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



PRIVATE SCHOOL
CONCORD RUSAM INC.
LICENSED BY THE NEW YORK STATE EDUCATION DEPARTMENT

Tibbiyot sohasida tez va oson ish topish istagida bo'lganlar diqqatiga!!!

Concord Rusam, Inc. xususiy maktabi sizga AQShda eng kerakli bo'lgan tibbiyot kasblari bo'yicha ta'lim olish imkoniyatini beradi. Quyidagi qisqa muddatli o'quv kurslarini taklif etamiz:

- Certified Nurse Aide (CNA)
- Phlebotomy Technician
- Electrocardiography Technician (ECG)
- Patient Care Technician (PCT) – Includes Certified Nurse Aide, Phlebotomy Technician, and Electrocardiography Technician.
- Medical Billing and Coding (MB&C)
- Home Health Aide (HHA)
- Upgrade of Personal Care Aide to Home Health Aide (PCA-HHA)

Concord Rusam nazariy va amaliy bilimlar beradi. O'qish so'ngida maktab binosida imtihonlar topshiriladi.

Shuningdek, maktabimiz **hamshira (Registered Nurse) litsenziyasini olish uchun** topshiriladigan NCLEX imtihoni uchun Tayyorgarlik kursini ham tashkil etadi. Ushbu kurs leksiya, kitoblar, qo'shimcha materiallar, test savollaridan iborat CD hamda videodarslar asosida olib boriladi.

Qo'shimcha ma'lumot va ro'yxatdan o'tish uchun quyidagi raqamlarga qo'ng'iroq qilishingizni so'raymiz:

Tel: 212-619-2260 **Toll Free:** 877-787-4500 **Fax:** 212-6192263
E-Mail: info@concordrusam.com
Website: www.concordrusam.com
Address: 160 Pearl St. 3rd Fl, New York, NY 10005

Кейинги йигирма йил ичида замон шиддат билан ўзгарди, давр янгиланиб бормоқда. Давлат ва жамият миқёсида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди.

Хўш, ана шундай шароитда биз ўзгардикми, жамият янгиланиши бизга қандай таъсир этди?

Албатта, замон ва инсон, даврнинг шахсга таъсири муаммоси илмий миқёсда, фалсафа нуқтаи назаридан таҳлил этишга лойиқ. Масаланинг бу томонини олимларга қолдириб, биз унга оддийроқ ёндошсак, уни ҳаётий мисолларга таяниб кўриб чиқсак.

Бир қатор танишларимга “Замон ўзгарди. Сизчи?” деган савол билан мурожаат этдим. Саволнинг моҳиятига етмасдан бирданига жавоб берганлар қуйидагича фикр билдиришди: “замонга ҳеч нарса бўлгани йўқ, биз, одамлар, ўзгарган, ёмон бўлганмиз”; “замон балки ўзгаргандир, лекин мен қандай бўлсам шундай қолганман, одамнинг ўзгариши осон иш эмас”.

Бир зум ҳам тўхтамасдан ўтиб бораётган вақт доирасида биз яшаётган давр ҳам, ўзимиз ҳам ўзгараётганлигимиз кундек аён. Йигирма йил ав-

ЗАМОН ЎЗГАРДИ, БИЗ-ЧИ?

вал бир тузумдан бошқасига ўта бошлаган эдик. Ҳозирда умуман бошқа шароитда яшаймиз. Ижтимоий соҳани қамраб олган бу янгиланишни ҳеч ким инкор этмаса керак. Иқтисодий муносабатларда ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.

Техника ва технология соҳасидаги янгиланишларни ҳам назардан қочирмаслигимиз лозим. Нисбатан қисқа вақт ичида компьютер, интернет ва мобил телефон ҳаётимизнинг бир қисмига айланди. Кундалик юмушимизни енгиллаштиришга хизмат қилувчи турли воситалар яратилди.

Демак, кейинги йигирма йил мабайнида биз туб ўзгаришларни (буни инглизчада “transformation” атамаси орқали баён қилишмоқда) бошдан кечерган даврга ўтдик, бошқа замонда яшаймиз десак, хато қилмаган бўламиз. Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда техника соҳасидаги янгиланишлар ҳар бир алоҳида шахсга ва одамларнинг ўзаро муносабатига таъсир этмасдан қолмади.

Деярли ярим аср давомида талабаларга фалсафадан сабоқ бериб келаётган Самарқанд давлат чет тиллар институти профессори Хуршид Самибоев биз билан суҳбатда қуйидагиларни таъкидлади:

- Биз айрим шахслар ёки баъзи нарсаларга нисбатан “замонга мос, ўз даврига мувофиқ” деган сўзларни ишлатамиз. Аввал замон ўзгаради, кейин эса – тафаккур. Муҳитнинг инсонга таъсирини инкор этиб бўлмайди. Замон вазифа кўяди, биз эса унга мос равишда жавоб қайтарамиз. Ҳар ҳолда, шундай бўлиши зарур. Акс ҳолда, биз инсонлар, замондан орқада қолиб кетамиз.

Кимдир ўз таниши ҳақида гапириб, у таназулга юз тутганлигини, қоқоқлик ботқоғига кириб қолганлигини афсус билан уқтириб ўтади. Аслида эса таниши қандай бўлса, шундай қолган. Гапирган одамнинг ўзи ўзгарган, ривожланган. Ташқи омиллар асосида бизнинг ҳаётга муносабатимиз, дунёқарашимиз, қадриятларимиз, юриш-туришимиз, таъбимиз ўзгариши мумкин. Ҳамма гап қандай ўзгаришимизда – яхши томонгами ёки ёмон томонга.

Мисол тариқасида юртдошларимизнинг ўқишга бўлган муносабатини олиб кўрайлик. Ўтган асрнинг 90-йилларида ҳамма ўзини савда-сотиққа урган эди. Қозоғистон ва Қирғизистон билан чегараларнинг очиқ бўлганлиги, Хитойнинг шимолӣ шаҳарларига ҳатто автобусда бориб келиш имкони мавжудлиги, Туркия ва Араб амирликларига тижорат авиарейсларининг очилганлиги кўпчиликни бойишнинг энг осон йўли савогарлик деган ширин хаёл оғушига ташлади. Кичик бир дўкони борлар ҳам яхшигина даромад қилаётганлигини кўрганлар нари борса мактабни битирса бўлди, бошқа ўқишнинг кераги йўқ деган фикрда эди.

Аммо бу эйфория даври кўпга чўзилмади. Чегарада, ички ва ташқи бозорда тартиб ўрнатилиши

ҳамда айрим ўта фойдали маҳсулотлар савдоси кичик гуруҳлар монополиясига айланганидан кейин одамларимиз тафаккурида ўзгариш юз бера бошлади. Савдогарлик нони енгил эмаслиги кўпчиликка аён бўлди. Энди ёшлар юқори малакали мутахассислар бўлиб етишса, кунини кўради деган нуқтаи назар жамиятда устун бўла бошлади. Фарзандлар ўқишга сарфланадиган маблағ капитал кириталадиган энг самарали соҳа эканлигини аксарият тан олди.

Тафаккурда юз берган бу ижобий силжишнинг оқибати барчамизга маълум. Қандай йўл билан бўлса ҳам олий ўқув юртига киришни хоҳловчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Чет тилини ўрганиб, хорижга ўқишга бораётганлар ҳам оз эмас. Демак, замон, реал ҳаёт кўйган талабга мос онгимизда, дунёқарашимизда ўзгариш ясалди ва амалий ҳаракатимиз ҳам ўзгарди.

Мустақиллик йилларида азалий анъаналаримиз, диний қадриятларимизнинг тикланиши, демократик тамойилларнинг кириб келиши, айрим юртдошларимизнинг хорижда бўлиб қайтиши аксариятнинг ижобий томонга қараб ривожланишига асос бўлди.

Аммо, афсуски, жамиятимизда юз берган шунча янгиланишга қарамасдан, айримларнинг юриш-туришида, ўзгаларга бўлган муносабату муомаласида, кийинишида салбий ҳолатларни кузатиш мумкин. Бундайлар ё замонага мос ўзгармаган ёки кўргану эшитганларидан нотўғри хулоса чиқарган.

Мана, тўй-маъракаларга бўлган муносабатимизни олиб кўрайлик. Замон ўзгарди, ижтимоий табақаланиш юзага келди, бой-бадавлат ва ўртаҳол оилалар билан бир қаторда зўрага рўзғор тебратаетганлари ҳам бор. Тўйини эса ҳамма дабдабали ўтказишга интилади. Пул топиш қанчалик оғир эканлигини била туриб, хориж миллионери бекорга маблағини совурмаслигини кўриб ҳам хулоса чиқармайди. Нью-Йоркда бир ҳамшаҳрим қарийб 50 минг доллар сарфлаб, ўғлининг суннат тўйини ўтказганлигининг гувоҳи бўлган эдим.

Хорижда яшаб, маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзи билан танишиб, ўзига хулоса чиқармаганлар қанча. Масалан, амарикаликларни олайлик. Биров билан иши йўқ. Ҳеч кимнинг ғийбатини қилмайди. Ким нима деганию нима егани билан, кўшнисининг уйига ким келиб кетгани билан, тўйини неча киши билан ўтказганлиги ва ҳоказо билан умуман иши йўқ. Бундай беҳуда ишларга вақтию асабини сарфламайди. Бизникилар эса бу нуқсонлардан холи бўла олишмаяпти. Шу сабабли замон билан ҳамнафас бўлишга интиладиган айрим юртдошларимиз Нью-Йоркнинг ўзбекистонликлар, жумладан, самарқандликлар ғуж яшайдиган қисмидан узоқроқда жойлашишга интилишади.

Замон ва давр руҳи айниқса кийиниш маданиятига тез таъсир қилади. Айнан кийим-кечакка нисбатан биз “замонага мос” ёки “замона зайли” деган ибораларни ишлатамиз. Ҳозирга келиб тошкентлик қизларнинг ёзда киядиган кийими Фарб қизлариникидан фарқ қилмай қолди. Ёки Америка рестораниларига тўйга борганимда айрим аёлларимизнинг кийинишидаги очикликни кўриб, ҳайрон бўлган эдим. Самарқандга келганда ўша аёллар умуман бошқача кийинишади. Ёзнинг жазирасида синтетик материаллардан тикилган “ялтир-йултур” кўйлақларда ўзларини кўз-кўз қилишади.

Яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин, албатта. Келинг, хулоса ясайлик. Давр ўтиши билан одамнинг ўзгаришини табиий ҳол сифатида қабул қилиш лозим. Ўз ҳаёти давомида шахснинг тажрибаси ортиб боради ва бу унинг дунёқарашини ўзгартиради. Бу табиий жараён. Энг ёмони – одамнинг қандай бўлса шундай қолиши. Замон ўзгариб борсаю одам ўзгармаса, бу ўша одамнинг фикр доираси чекланганлигидан, фикри ноқислигидан далолатдир.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ

ҲАҚИҚАТ СИНМАЙДИ...МИ?

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида «қайта қуриш», «ошкоралик» деган шиорлар удум бўлди. Биров ундоқ деди, биров бундоқ. Биров адолат ҳақида гапирди, биров минбарга чиқиб, шовқин солди...

Шундай кунлардан бирида ашаддий жинояти учун ўн беш йилга қамалган Турсунбой деган маҳбусдан хат келди. Лўнда қилиб айтганда, хатнинг мазмуни шу эди:

Турсунбой кўшнисининг вояга етмаган қизини зўрлагани учун «строгий режимли» қамоққа ҳукм этилган. Чўкаётган одам хасга ёпишади. Аввал қилғилиқни қилиб кўяди-да, чуви чиққанидан кейин «қўй оғзидан чўп олмаган фаришта»га айланади.

Шунақа-ку, хат шу қадар чуқур мантиқ билан ёзилган эдики, «ошкоралик» неъматидан фойдаланиб, ўша маҳбус билан учрашдим.

Турма бошлиғи «артист»ни келтиришни буюрди. Турсунбой хатида йигирма ёшга чиққанини ёзган эди. Рўпарамда эса камида қирқни қоралаб қолган, чакка сочларига оқ оралаган, кўзларида бирор маъно йўқ, лаблари пўрсилдоқ кимса ўтирарди.

Гапни нимадан бошлашни билмасдим. Охир-оқибат энг ўринсиз саволни бердим:

— Сизни нега «артист» дейишади?

Унинг ҳеч нимани ифодаламайдиган юзида бир сония, атиги бир сония истехзоли табассум пайдо бўлди.

— Терговда ҳам, судда ҳам ялиниб-ёлвордим, бақирдим, «Тепамда Худо турибди. гуноҳим йўқ», деб дод солдим. Улар «артистлик қилма», дейишди... — Шундай деди-да, тагин ифодасиз ҳайкалга айланди...

Унинг айтишича, воқеа шундай бўлган. Ён кўшнисининг ақли ноқисроқ ўн олти яшар қизини бир номард зўрлаб кўяди. Эртасига Турсунбойнинг собиқ синфдоши, институтда ўқиётган, ёзги таътилга келган Фарҳод боғдаги чойхонада улфатлар билан ош еб ўтириб, кеча канал бўйида биттаси билан «мазза қилгани»ни айтиб мақтанади. Бу гапни даврадаги бошқа йигитлар ҳам эшитади. Уч кундан кейин милитсия Турсунбойни ҳибсга олади. Юзлаштириш пайтида телбаномо қизалоқ «Мени қоронғида канал бўйига олиб бораган шу эди, шекилли», дейди. Вояга етмаган, бунинг устига руҳий касал қизини зўрлагани учун ўн беш йил берадилар. Судга гувоҳ сифатида қақирилган Фарҳод ўша оқшом Турсунбой қизалоқни канал томонга етаклаб кетаётганини кўрганини айтади...

Фарҳоднинг отаси туманинг «каттаси» — «райком бува» экан. Тоғаси прокуратурада ишларкан. Турсунбойнинг отаси эса оддий тракторчи бўлган...

Тракторчининг адолат излаб, елиб-югуришлари шу билан тугайдик, кеч кузнинг туманли кечасида трактор йўлдан чиқиб, зовурга тушиб кетади. Тракторчининг оёғи синади. Икки прицепдаги пахта лойга қоришиб, сифати бузилади. «Социалистик мулк»ни қасддан лойга ботиргани учун уни уч йилга ҳукм қиладилар. Шунда «райком бува» ўртага тушиб, «оталик» қилади: қамоқни шартли жазо билан алмаштиришга эришади...

— Менга барибир, — деди Турсунбой ўта осойишта оҳангда. — Агар ҳозир терговчи келиб, «ўнта қизни зўрлагансан, бешта одамни ўлдиргансан», деса, индамай кўл қўйиб бераман.

— Наҳотки, сизга ҳаммаси барибир бўлса, наҳот бирор нятингиз бўлмаса? — деган эдим, узоқ ўйланиб қолди. Сўнг жавоб қилди:

— Ниятм бор. Худодан тилагим шуки, Фарҳод менинг «айбимни бўйнимга кўйган» терговчининг қизини зўрласин. Терговчи «райком бува»нинг неварасини бузиб кўйсин. Аммо улар қамалмасин, аввалгидек апоқ-чапоқ бўлиб юраверсин! Бошқа гапим йўқ!


Турсунбой масаласида отаси билан гаплашдим. Изиллаб йиғлайди! «Олти қиз ичида биттагина ўғил эди, Худодан тилаб-тилаб олганим учун Турсун деб исм қўйгандим, менинг болам унақа номард эмасди», дейди.

...Олий судга мурожаат қилдим. «Строгий режим»га кесилганлар масаласини фақат Москва ҳал қиларкан... Москвага хат ёзишдан маъно йўқ эди. Бу пайтда марказнинг аллақандай «майда-чуйда» ишлар билан ўралашишга вақти йўқ, улар «тарихда қоладиган» «ўзбек иши» бўйича минглаб одамларнинг «айбини бўйнига қўйиш»дек муҳим омуш билан овора эди...

...Орадан икки йилча ўтиб, Турсунбойнинг отасидан хат келди. Уғли қамоқда ўзини осиб қўйибди. «Боламни ўзимизнинг хилхонамизга кўяйлик», деб ялиниб борса, майитни беришмабди. Тартиб шунақа экан...

Орадан уч йил ўтиб-ўтмай Истиклол рўй берди. «Ўзбек иши» бўйича «жонажон совет ватанининг» бепоён саҳролари-ю, гадоӣ топмас ўрмонларига бадарга қилинган беғуноҳларнинг ҳаммаси шахсан Президентнинг қатъий талаби билан ўз юртига қайтарилди.

Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" асаридан олинди.



АДВОКАТ ВЛАДИСЛАВ СИРОТА
*Член Американской Коллегии
 Иммиграционных Адвокатов*

- ПОЛИТУБЕЖИЩЕ
 (тщательная профессиональная подготовка)
- ДЕПОРТАЦИОННЫЕ СЛУШАНИЯ
- ПОМОЩЬ АРЕСТ. НА ГРАНИЦЕ И В АЭРОПОРТАХ США
- СОПРОВОЖДЕНИЕ НА ИНТЕРВЬЮ
- ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО В АМЕРИКАНСКИХ
 КОНСУЛЬСТВАХ ЗА ГРАНИЦЕЙ
- ЗАПОЛНЕНИЕ НА ГРИН-КАРТ И ГРАЖДАНСТВО
- РАЗВОДЫ
- ДЕЛОВЫЕ КОНТРАКТЫ
- ВИЗЫ В-2/Н1В/Ф-1/К-1

(718) 265-59-00
 128 Brighton 11th Street, 2nd Fl. Brooklyn, NY 11235

**Тез ва Кулай
 Компютер Тузатиш**



- Операцион системани созлаш
- Вирусларни ўчириш
- Виндовсни Оптимизация қилиш
- Ўчиб кеткан файлларни тиклаш
- Компютерга ота-она назоратини ўрнатиш

Уйингиз ёки ишхонангиздаги компютерни созлаш

Call for appointment
T: (347) 445-4648
Shohruh

**Текин
 Антивирус
 Програм-
 маси**

"Individual Computer Courses"
 Microsoft Office • Movie maker
 Installing Programs • Installing Windows
 Adobe Photoshop • Adobe Illustrator
 Graphic Designing

2705 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11235
nyComRe@gmail.com



ASHRAF ZAKIROV
Licensed Real Estate Agent

- ✓ Rentals
- ✓ Properties for Sale
- ✓ Businesses for Sale
- ✓ Sell your property

**Bright Idea
 Realty**
 www.brightidearealty.com

Address: 8622 Bay Parkway
 Suite 2C
 Brooklyn, NY 11214

Mob: (646) 520-9774
 Fax: (347) 275-1210
 E-mail: azakirov@brightidearealty.com
 Web: www.brightidearealty.com



KINGS FOOD
International Food Market

1914 KINGS HIGHWAY • BROOKLYN, NY 11229
PHONE: 718-336-8100

SUPERB AUTO LEASING
 LEASING | FINANCING | TRADE-IN
 Address: 1808 Jerome Avenue, Brooklyn, NY 11235



www.superbleasing.com Phone: (646) 520-9774

Call now: (646) 520-9774

Тез ва Қулай Компютер Тузатиш



- Операцион системани созлаш
- Вирусларни ўчириш
- Виндовсни Оптимизация қилиш
- Учиб кеткан файлларни тиклаш
- Компютерга ота-она назоратини ўрнатиш

Уйингиз ёки ишхонангиздаги компютерни созлаш

Call for appointment
T: (347) 445-4648
Shohruh



"Individual Computer Courses"

Microsoft Office • Movie maker

Installing Programs • Installing Windows

Adobe Photoshop • Adobe Illustrator

Graphic Designing

Текин
Антивирус
Програм-
маси

2705 Coney Island Ave
Brooklyn, NY 11235
nyComRe@gmail.com

WITH THIS COUPON ONLY!
Purchase of \$30 or more get 15% OFF
Purchase of \$18 or more get 10% OFF
Only delivery or pick up

NEW!

#1 *Istanbul*
Kebab House
Fresh And Healty Food
We Serve Halal Food

712 9th Avenue (btw 48-49 St.)
New York, NY 10019
Tel/fax: (212) 582-6262
Tel: (212) 582-8282

AIRPORT SERVICES IN NEW YORK



ТОШКЕНТГА АВИАЧИПТАЛАР!

Аэропортда кутиб олиб, NYC аэропортидан 300 милгача масофа бўлган бошқа штатларга олиб бориб қўйиш ёки олиб келиш.

AIRLINE TICKETS TO TASHKENT!

Meet you/your guests at the JFK, LGA and Newark Airports and give ride to/from other states up to 300 ml from NYC Airports.

Asqar
Leo Avia Express

718-354-5000, 718-570-7007
Email: flytotas@gmail.com



EDP SCHOOL



718-332-6469



HOME ATTENDANT

(PCA & HHA)

БЕПУЛ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ

ESL - ИНГЛИЗ ТИЛИ

БЕПУЛ ТАЪЛИМ

MEDICAL ASSISTANT

(ВРАЧ ЁРДАМЧИСИ)

1601 VOORHIES AVENUE, 2 ND FLOOR, BROOKLYN NY 11235


BRIGHTON FABRICS



*Sumka, chemodanlar bilan
1988-yildan bezi
Siz bilan!*

Murojaat uchun manzil:
301, Brighton Beach Ave. Brooklyn, New York
Tel. 718.769.1479

“ЎЗБЕГИМ” КРОССВОРДИ



2. Ризқ-рўз, файз. 3. Куба давлати пойтахти. 4. Мумтоз ўзбек шоирларидан бири, мутасаввуф. 5. Амир Темур туғилган шаҳар. 6. Биринчи ўзбек генерали. 7. Қуршов, орада қолиб кетиш. 8. Дардли кишиларга овунчоқ бўлиш. 9. Ўзбекистон Қаҳрамони, машҳур шоир, бир қанча китоблар муаллифи. 10. Алишер Навоийнинг форсий тахаллуси. 11. Ёзувчи. 12. Туман, ноҳия. 13. Бадиий асардаги қаҳрамонлар. 14. Тарихда ватанимиз ҳудудидида ҳукм юритган сулолалардан бири. 19. Рақам (рус). 22. Ҳўжалик раҳбари. 24. Собиқ “Пахтакор”чилардан бири. 28. Машҳур ҳинд актрисаси. 31. Биринчи ўзбек романаписининг исми. 32. Муқаддас китоблардан бири. 35. Балиқ увилдириғи. 37. Ҳотами 38. Уй-рўзгор буюми. 41. Ҳаргиз. 43. Сўров. 44. Хусусий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш идораси. 48. Лаҳза. 49. Ўзбекистонга қўшни давлат. 50. Бобур, Чўлпонлар ватани. 51. Давлатларнинг сиёсий тузилиши шаклларида бири. 52. Олий ҳакам. 57. Ғам, қайғу. 58. Пуфак. 59. Тарихда Ўрта Осиёдаги олий унвон. 60. Маст қилувчи ичимлик. 61. Қарама-қарши маъноли сўзлар. 62. Ёгин тури. 63. Садриддин Айний туғилган қишлоқ. 64. “Равшан” достонидаги полвонкаллардан бири. 65. Қатағонга учраган қўқонлик шоир. 67. “Ал-адаб ал-муфрад”, “Тарихи Бухоро”, “Тарихуссиқот ваз-зуафо мин рувотил ҳадис” асарлари муаллифи. 71. Европада яшовчи халқлардан бири. 72. . . . Дантес (А. Дюма). 76. Машҳур инглиз ҳикоянависи - Сомерсет 77. Символ. 79. Ғалла. 80. Хурфот. 81. Франциялик машҳур физиклар сулоласи. 84. Ўта очкўз.

ЭНИГА:


1. Эркин Воҳидовнинг машҳур қасидаси. 5. “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонини олган машҳур журналист, танқидчи. 10. Ватанимизнинг “Олтин водий”си. 15. Катта буви, момо. 16. Покиза, саришта. 17. Бошқа киши. 18. Машҳур кишиларнинг тошдан ясалган катта тасвири. 19. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг тахаллусларидан бири. 20. Машҳур актёр - . . . Ҳидоят. 21. Бир сўзни ифодаловчи бирикмалар. 23. “Доктор Фаустус” романи муаллифи, жаҳон адабиётининг машҳур намояндаси. 25. Мутасаввуф, “Яссавия” тариқатининг асосчисининг исми. 26. Қозонга биринчи бўлиб тушадиган нарсаси. 27. Маълум муд-

датга фойдаланиш. 29. Саъдий Шерозий асари. 30. Қизил ранг. 33. Амир Темур ҳайкалини яратган машҳур ҳайкалтарош. 34. Ғарбда Авиценна номи билан шуҳрат қозонган аллома. 36. Ватанимиз пойтахти. 39. Керак. 40. Тинчлик элчиси бўлган куш. 42. Машҳур тарихчи Евгений Березиковнинг ўзбекча тахаллуси. 45. . . -ҳаракат. 46. Қозоғистондаги дарё. 47. Бировга оғирлиги тушмоқ. 49. Сотиладиган мол. 51. Россияда ҳукмронлик қилган сулолалардан бири. 53. Мазмун. 54. Ёнгил шабада. 55. Эстрада гуруҳларидан бири. 56. Кичик дарё. 58. Нур . . . дандир. 60. Кичик сув йўли. 62. Пешонага ёзилган умр, тақдир. 65. Корейсча фамилия. 66. Ибн Синонинг

машҳур асари - “. . . қонунлари”. 68. Жаннатдаги булоқ. 69. Отлиқ аскар. 70. Уйда ўстириладиган гуллардан бири. 73. Суварак. 74. Шоҳмот доналаридан бири. 75. Сайқали руйи замин. 78. Адолат. 82. Асримиз бошларида мустақиллик учун курашган жадидлардан бири. 83. Япония таркибидаги орол. 85. Инглизча эркаклар исми. 86. Худойберди Тўхтабоевнинг “Қасоскорнинг олтин боши” асаридаги миллат қаҳрамонларидан бири. 87. Озода, саришта. 88. Айғоқчи. 89. Ислоҳ ҳуқуқшунослиги фанининг билимдони, аллома, “Ҳидоя” асари муаллифи.

БЎЙИГА:

1. Жаннатмакон диёримиз.



Хурматли ватандошлар!

Сизга маълумки, АҚШда солиқлар масаласи жуда ҳам муҳим ва ҳар бир фуқаро даромад солиғини ўз вақтида қонунларга мувофиқ равишда тўлаши шарт.

Ватандошларимизга солиқларни тайёрлашда ёрдам бериш мақсадида Вашингтонда АҚШ қонунларига кўра даромад солиғи бўйича ўзбекистонлик мутахассислар (IRS) ишни бошлади.

Сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги рақамлар орқали муурожаат қилишингиз мумкин.

Зокир Алиев.
МВА.ЕА - 703 459 82 34
E-mail: zakiraliyev@yahoo.com

АҚШ Солиқлар Бош Бошқармасининг имтиёзли лицензиясига эга солиқ мутахассиси.

Фазилат Мамурова
МРА -703 786 72 01
E-mail: fazilat84@yahoo.com
Молиявий хизматлар

ЮРТИМИЗДА ҲАЙИТ ШУКУҲИ



Марғилон шаҳридаги «Хонақоҳ» жомеъ масжиди



Ҳайит намозидан сўнг бир-бирини қўтлаётган нурунийлар



Имом-хатиб Мулла Собиржон қори, муаззин Акрамжон қори ва ноиб Муҳаммад Тоҳир қори

Ватанимизда бу йил байрамлар қўшалок келди: Ҳам мустақиллик байрамини, ҳам муборак Ийд ҳайитини бирга нишонладик. Ҳайит тонги юртимизнинг барча гўшаларида байрам шукуҳи кезди.

Фарғона вилоятидаги энг катта ва қадимий масжидлардан бири, Марғилон шаҳридаги «Хонақоҳ» жомеъ масжидида ҳам бу йил Рамазон ҳар йилгидек файзли ўтди. Раҳмат оии аввалидан бошланган хатми Қуръонни 1968 йилдан бери ушбу жомеъда хизмат қилаётган уламо, масжид имом хатиби Мулла Собиржон қори Марғилоний табаррукан бошлаб бериб, Муҳаммад Тоҳир қори Марғилоний ва шогирдлари кунига 2 жуздан, тажвид билан ўқиб беришди. 16-кечада Қуръони карим хатмонасига Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ташриф буюриб, маъруза қилдилар ва хатми Қуръон сўнггида юртимиз ва халқимиз ҳаққига хайрли дуо қилдилар.

Ҳайит куни эрта тонгдан «Хонақоҳ» масжидининг асосий биноси бомдод намозини жамоат билан ўқиш мақсадида

йиғилган мўминлар билан тўлди. Бомдоддан сўнг Ҳайит намози учун жамоат йиғилгунча куннинг фазилатлари ҳақида мавъиза қилинди. Жамоат масжид худудидан ташқарига ҳам кенгайиб, Ийд намозини биргина «Хонақоҳ» масжидида 10000 га яқин муслмон адо этди.

Марғилон шаҳрида 26 та жомеъ масжиди мавжуд бўлиб, бу йил уларнинг ҳар бирида таровеҳ намозларида Қуръони карим хатм этилди.

473йиллик тарихга эга, «UNESCO»нинг тарихий обидалари рўйхатида турувчи «Хонақоҳ» жомеъ масжиди Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бир қатор саховатпеша ташкилотлар маблағи ҳисобига 2009 йилнинг феврал ойидан қайта таъмирланиб, 2010-йил Мустақиллик байрами арафасида асосий қисми фойдаланишга топширилган эди. Айни пайтда таъмирлаш ва қайта реконструкция ишлари давом этмоқда. Жомеъ масжидда бир вақтнинг ўзида 5000 дан ортиқ намозхон ибодат қилиш имкониятига эга.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

КHAVINSON & ASSOCIATES, P.C.
Американские адвокаты

ЕВГЕНИЙ ХАВИНСОН, ESQ.
(admitted in NY, PA)
Автоаварии, серьезные травмы – максимальная компенсация

ТАТЬЯНА АРИСТОВА, ESQ.
(admitted in PA, NJ)
Иммиграционный адвокат

Member of American Immigration Lawyers Association (AILA)

Сопровождение на интервью и в суд в Пенсильвании, Нью-Джерси и Нью-Йорке

ИММИГРАЦИОННОЕ ПРАВО

- Политическое убежище
- Защита от депортации в иммиграционном суде
- Апелляции и ведение иммиграционных дел в федеральном суде
- Восстановление проигранных дел
- Петиции о прощении и отмене депортации
- Защита женщин и детей от депортации
- Освобождение из задержания

ЛЮБЫЕ ИММИГРАЦИОННЫЕ ВОПРОСЫ в разумные сроки, по разумным ценам

ЕСЛИ У ВАС ЕСТЬ ТАЛАНТ...
O-1 – Визы для лиц с выдающимися достижениями
P-1/3 – Визы для артистов, художников, спортсменов
Грин-карты на основе Extraordinary Ability

ЕСЛИ У ВАС ЕСТЬ РАБОТА...
H-1B – Рабочие визы
Грин-карты через трудовой гарант (Labor Certification)

ЕСЛИ У ВАС ЛЮБОВЬ...
K-1/3 – Визы и грин-карты для супругов, женихов и невест граждан США

ЕСЛИ ВЫ СЕБЕ МОЖЕТЕ ЭТО ПОЗВОЛИТЬ...
L-1 – Визы и грин-карты для бизнесменов
Грин-карт для инвесторов – быстро, но дорого

ЕСЛИ ВАМ ПРОСТО ПОВЕЗЛО...
Грин-карты на основе DV-Lottery

Philadelphia Office
221 West Street Rd.
Trevose, PA 19053
215.355.9095
215.350.7972
(nights, weekends)

New York Office
1122 Coney Island Ave.
Suite 220
Brooklyn, 11230
718.421.3815

Пишите нам:
tatiana@immigrationwise.com

Последние новости иммиграционной реформы можно прочесть на нашем сайте:
www.immigrationwise.com

Безвыходных положений не бывает... Мы найдем решение.

Unlimited Business Technologies, Inc.

Sales, Leasing, Service and Supplies
for commercial business equipment

Copiers • Laser Printers • Fax • Commercial Scanners
Excellent prices, Direct lending, Good response time
unlimitedbt@yahoo.com

347-673-5661 2456 East 17th Street, Brooklyn, NY **718-615-7900**

Print Only With Us, Corp.
Copies • Color and B/W
Wide Format • Banner printing
BLUEPRINTS Print Copy Scan
Post cards • Promotion Cards • Magazines
Envelopes • Letterheads • Brochures
Business Cards • Flyers • Menus
and much more!

PrintOnlyWithUs@Gmail.com